

HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2016-yil 23-noyabr, chorshanba * № 47 (1006) * 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan * Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz * www.hurriyat.uz

УРУШЛАР, ҚОЧОҚЛАР ВА "АСКАР БОЛАЛАР"

Қочоқларнинг ярми болалардан иборат. Ёшларнинг энг муҳим даврда таълим олишдан мосуво бўлиб қолиши улар тақдирга салбий таъсир этиши муқаррар. Мактаб таълимини ололмаётган жаҳондаги 57 миллион боланинг ярми моjarоларга тортилган мамлакатларда яшамоқда, уларнинг 54 фоизи қизлардир.



⇒ 5-бет

ТҮЙДАН МАҚСАД НОМ ҚОЗОНИШМИ?

"Хуррият" газетасининг ҳар сонини кузатиб бораман. Мулоҳазали, таҳлилий мақолалар доим диққатимни тортади. Кейин уни "Жигули"нинг орқа ўриндигига ўтказди. Менга қараб "Қизим сиз билан кетади", - деди. Мен баъзан уша ҳолатни эслаб, Эркин ака нима учун қизини менинг автомобилimgа ўтказганини ўйлаб, устознинг довишман-диглига тан бераман.

УСТОЗ ИБРАТИ

Довон олдидаги манзилда тўхтагач, Эркин ака ёнимга келди. "Довондан бирон марта ўтганмисиз?", деб сўради. Мен "Йўқ!", дедим. Эркин ака индамай менга қараб тургач, қизчасини чақирди. Кейин уни "Жигули"нинг орқа ўриндигига ўтказди. Менга қараб "Қизим сиз билан кетади", - деди. Мен баъзан уша ҳолатни эслаб, Эркин ака нима учун қизини менинг автомобилimgа ўтказганини ўйлаб, устознинг довишман-диглига тан бераман.



⇒ 7-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида замонавий ахборот коммуникация технологияларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги роли ҳамда аҳамиятига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

17 ноябрь куни Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдуғон мамлакатимизга ташриф буюрди.

18 ноябрь куни Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдуғон Ҳазрати Хизр мажмуига ташриф буюриб, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов қабрини зиёрат қилди.

Пойтахтимизда Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон — Буюк Британия кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Тошкенда "Таълим, фан ва ишлаб чиқаришда Фармациянинг долзарб муаммолари" мавзuida илмий-амалий анжуман ўтказилди.



"HURRIYAT" газетаси "Ўзбекистон ҳаво йуллари" миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам йулувчиларнинг доимий ҳамроҳи.

8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

Фаргона вилоятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма тўрт йиллигига бағишлаб таълим муассасалари, меҳнат жамоалари, маҳаллаларда таниқли ижодкорлар, маданият ва санъат намояндalари иштирокида учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.



Ёш авлодни ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялаш Биринчи Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидандир. Ёшлар таълим-тарбияси, хусусан, уларнинг ҳуқуқий билими ва маданиятини, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Таълим муассасаларида Конституциямиз алоҳида фан сифатида ўрганилаётди. Биринчи Президентимизнинг 2001 йил 4 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги фармойиши бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда. 2-Фаргона ижтимоий-иқтисодий коллежида "Конституция —



БОШ ҚОМУСИМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ

ҳуқуқ ва эркинликларимиз кафолати" мавзuida тадбир ўтказилди. Унда бугунги тинч, осойишта ва фаровон ҳаётимизнинг муҳим ҳуқуқий асоси — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мазмун-моҳияти, унинг халқимиз ҳаётидаги амалий ифодаси ҳақида сўз юритилди. Мамлакатимизда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини

кафолатлаш йўлида амалга оширилаётган изчил ислохотлар самарасини таълим соҳасида эришилаётган улкан ютуқлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Жумладан, мазкур замонавий касб-ҳунар коллежида 800 дан зиёд ўғил-қиз ижтимоий-иқтисодий йўналишлар бўйича пухта билим ва кўникмага эга бўлмоқда. — Коллеж ўқув

дастурида биринчи босқич ўқувчилари учун 40 соатлик "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш" машғулотлари белгиланган, — дейди коллеж директори А.Тешабоев. — Бу дарсларда Конституциямизда белгиланган нормалар, уларнинг аҳамияти ўқувчиларга атрофлича тушунтирилади. Машғулотлар

ноодатий, интерфаол усулларда олиб борилади. Тадбирда коллеж ўқувчилари Конституцияга оид билими ва унда ифодаланган гоёларни турли кўргазмали воситалар, саҳна кўринишлари орқали намойиш этди.

М.СУЛАЙМОНОВ, ЎЗА мухбири
Суратлар муаллифи М.ҚОДИРОВ (ЎЗА)

САЙЛОВ — 2016

Самарқанд вилояти туман ва шаҳарларида участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий билимини янада ошириш, комиссиялар фаолияти самарадорлигини юксалтиришга қаратилган семинар-тренинглр ўтказилмоқда.



КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ УЧУН СЕМИНАР

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва 7-Самарқанд округ сайлов комиссияси аъзолари, экспертлар иштирок этаётган тадбирларда сайлов участкаларида сайловчилар рўйхатини эълон қилиш, зарур ҳолларда унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, муддатидан олдин овоз бериш тартиб-қоидалари, сайлов куни овоз беришни ташкил қилиш, кузатувчиларнинг ваколатлари ҳақида тушунча берилмоқда.

Самарқанд шаҳридаги 91-сайлов участкасида ўтказилган семинар-тренингда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Самарқанд вилояти ҳудудий бўлими раҳбари Ф.Раҳматов ва бошқалар ҳудуддаги ўнга яқин участка сайлов комиссиялари аъзоларига сайловчиларга таклифнома тарқатиш, муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш, сайлов куни амалга оширилаётган ишлар юзасидан

қонун талабларини тушунтирди. Сайлов участкаларида сайловчилар учун барча зарур шароитлар яратиш, она ва бола, тиббиёт хоналарининг самарали ишлашини таъминлаш юзасидан тавсиялар берилди. — Ушбу семинарда сайлов қонунчилигига оид билимларимизни янада мустаҳкамлади, — дейди 92-участка сайлов комиссияси аъзоси Дилрабо Карвонова. — Бу сайлов участкасида сайловчиларнинг овоз бериши учун зарур шароит яратиш, сайловни қонун талаблари асосида, юқори савияда ўтказишда муҳим аҳамият касб этади.

Семинарда сайлов куни участкада амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар акс эттирилган видеоролик намойиш этилди.

Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олди.

Ф.ҲАСАНОВ, ЎЗА мухбири

Ҳурриятли муштарийлар,

2017 йил учун "HURRIYAT" газетасига обуна ишлари давом этмоқда. Газетамизга обуна бўлмаганлар эса уни савдо дўконларидан харид қилишлари мумкин. Ўқинг, баҳра олинг ва уни ҳамроҳларингизга ҳам ҳадя этинг. Бундан ташқари, Hurriyat" да чоп этилган материаллар билан www.hurriyat.uz сайти орқали ҳам танишишингиз мумкин.

"HURRIYAT" ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ!



ҲАР БИР ШАҲС МУЛҚДОР БЎЛИШГА ҲАҚЛИ.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 36-моддасидан.

ТАДБИРКОР ЭКАНИМДАН ФАХРЛАНАМАН

Нукуслик Мурат Шимбергенов Бош қомусимизда белгилаб қўйилган ҳуқуқидан ва мамлакатимизда яратилган кенг имкониятлардан фойдаланиб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқда.



Қурилш ашёлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Қарлар" масъулияти чекланган жамиятида дастлаб ёғоч ва темирдан қурилш материаллари — темир дарвоза, эшик ва ромлар, турли панжаралар тайёрлаш йўлга қўйилди. Тадбиркор бунда тикорат банкларининг молиявий кўмагидан фойдаланди. Узоқ муддатли имтиёзли кредит маблағлари эвазига корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш, маҳсулот турини кўпайтириш ва янги иш ўринлари яратишга эришди.

Айни пайтда корхонада идора ва хонадонлар учун 50 га яқин номдаги турли жиҳозлар тайёрланмоқда. Дастлаб

ўн ишчи билан фаолият бошлаган корхонада бугунги кунда 167 ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг 60 фоизи касб-ҳунар коллежини битирган ёш мутахассислар. — Иш унумдорлигининг орттишида хориждан келтирилган 15 замонавий дастоҳ қўл келмоқда, — дейди Мурат Шимбергенов. — Ишлаб чиқарилаётган дарвоза, эшик, панжара, висетка, фонар каби маҳсулотларнинг сифати ва дизайни ҳам яхшиланди. Буюртма асосида Нукус темирўя вокзали атрофи, "Ду-стлик" канали бўйидаги турли тўсиқ ва панжаралар, ёри-тиш чироклари, уриндиклар усталаримиз томонидан тай-

ёрланган. Тадбиркорлик фаолияти орқали юртимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигига ҳисса қўшаётганимиздан фахрланамиз.

Корхона маҳсулотларига талаб юқори. Айниқса, мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари туфайли барпо этилаётган замонавий бино ва иншоотларда корхона маҳсулотларидан кенг фойдаланилмоқда. Хоразм ва Бухоро вилоятларидан ҳам буюртмалар қабул қилинаётди.

Яқинда корхонада хонадон ва офислар учун турли мебеллар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Ишнинг кўзини билалган тадбиркор Мурат Шимбергенов "Ташаббус — 2013" танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида "Энг яхши тадбиркор" йўналиши бўйича голиб бўлган. Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида Биринчи Президентимиз Ислам Каримов фармонида мувофиқ "Шухрат" медали билан тақдирланган.


Буларнинг барчаси мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, соҳа вакиллари-нинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган алоҳида эътибор самарасидир.

А.ОРТИҚБОЕВ, ЎЗА мухбири

КЎХНА МАСКАН КЎРКИ

► ОБОД ГЎШАЛАР

Юртимизга қадами етган инсон борки, албатта, довруғи дунёга дoston кўхна шаҳарларимиз томон интилади. Хусусан, етти иқлимга “шарафли гўша” сифати билан машҳур Бухоро миллионлаб инсонларни ўзига жалб этадиган улуг маскандир. Бугун нафақат Бухоро вилоятининг маркази, балки туманлари ҳам сайёҳлар эътиборини тортмоқда. У ерларда амалга оширилаётган бундөкорлик ишлари бунга сабаб бўлаётир.



Когон шаҳрида жойлашган темир йўл вокзали қайта қурилиб икки қаватдан иборат кўркам саройга айланди. Айни пайтда вокзалда бир вақтнинг ўзига 200 нафардан ортиқ йўловчига хизмат кўрсатилмоқда. Бу албатта меҳмонларимиз ва аҳоли учун қулайлик туғдиради. Ундан меҳмонлар учун 1 та VIP зали ҳамда 4 та дам олиш хоналари ўрин олди. Шу билан бир-

на, навбатчилар, видеокузатув назорати, оналар ва болалар учун махсус хоналар ҳамда тиббиёт пункти, маълумотхона ва буфет ташкил этилган. Вокзал ташқарисидан кўркам ва замонавий фаввора, турфа чироқлар вокзал чиройига-чирой қўшмоқда. Анвоий гуллар, арчалар унга ўзгача кўрк бағишлаб турибди. Вокзал ташқарисидан йўловчиларга чипта сотиш маскани ҳамда автомобиллар учун тураржой қурилган.

Ҳа, Бухоро темир йўл вокзали қисқа муддат ичида халқаро талабларга мос равишда миллий ва замонавий кифа касб этиб, юртимизнинг энг кўркам масканларидан бирига айланди.

Вокзалдан чиқиб, тоза, кенг ва раvon кўчалардан Бухоро сари отланар экансиз, Когон туманининг гўзалликларидан баҳра olasиз. Намонавий лойиҳалар асосида бунёд этилган уй-жойлар, таълим муассасалари ва бошқа иншоотлар кўзингизни яшнатади. Уйларнинг атрофи арча ва бошқа дов-драхтлар билан бурканган.

Мунира РАМАЗОНОВА

Масалан, вилоят маркази билан бақамти жойлашган Когон шаҳрида ҳам бундөкорлик ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Замонавий иншоотлар барпо этилди. Тор кўчалар кенгайтирилиб, тўлиқ таъмирланди. Бухорога поездда борар экансиз, албатта, дастлаб Когон шаҳрига қадам қўясиз. Ҳозирги кунда ушбу шаҳар вилоятда катта ну-

фузга эга, йирик саноат ва транспорт маркази ҳисобланади. Бухоро — Тошкент темир йўлининг таъмирланиб, мазкур йўналишда “Афросиёб” тезорат электропоезди қатновининг йўлга қўйилгани барча юрдошларимиз ва бу қадим ва ҳамшиша навқирон дегўра саёҳат қилишни ниёт қилган барча инсонларга катта тўхфа бўлди.



Мунира РАМАЗОНОВА



ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАС

► ИФТИХОР

Истиқлол даврида мамлакатимизда кўплаб соҳалар қатори таълим тизимида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Энг муҳими, мустақиллик даври ёшлари илгариги ёшлардан бутунлай фарқ қилади. Бугун фарзандларимизнинг ўз дунёқараши, мустақил фикри, орзу-интилишлари, мақсад ва режалари борки, уларни рўёбга чиқармоқ учун барча зарур шароитлар яратиб берилмоқда. Бу эса ёш авлодга янада юксак марраларни забт этиш, юртимиз довуғини чет мамлакатларга таратиш, ўзбек халқининг таълим соҳасида эришаётган ютуқларини жаҳонга кўрсатиш учун кенг имкониятлар яратмоқда.

вриндор бўлди. Жорий йилда кимё фани бўйича ўтказилган 45-Бутунжаҳон олимпиадасида ҳам биринчи бўлиб олтин медални қўлга киритдик. Бош мукофот соҳиби Бехзод Болтаев шу йили давлатимизнинг “Шухрат” медалига сазовор бўлди.

Кимё фани бўйича Москвадаги 45-Бутунжаҳон олимпиадасига юртимиздан борган тўрт кишилик жамоага раҳбарлик қилиш менга топширилди. Бундай жаҳон миқёсидаги заковатли ёшлар баҳсида илк иштирокимиз... Яна 77 та мамлакатдан 300 га яқин энг билимдон ўқувчи келгани ҳақидаги ваҳимали гаплар... Вақти етиб, галвир сувдан кўтарилди. Ҳайбат кенгаши олтин медал совриндорларини эълон қилар экан, “Бехзод Болтаев — Ўзбекистон!”, дея янграган овоз худди юрагимда акс-сало бергандек бўлди. Елкасига Ўзбекистон байроғини ташлаб, саҳна томон бораётган Бехзодни кўриб, кўзларимда ёш қалқиди. Қолган уч нафар иштирокчимиздан 2 таси бронза медал, биттаси эса махсус диплом билан тақдирланди.

Шу ўринда яна бир муҳим воқеа ёдимга тушади. Кимё фани бўйича Озарбойжонда бўлиб ўтган жаҳон фан олимпиадасида лицейимиз ўқувчиларининг халқаро натижалари акс эттирилган инглиз тилидаги альбомни Жаҳон фан олимпиадасининг ҳайат кенгаши раиси Док Ван Лига совға қилдим. У альбом билан танишар экан, “Бу галабалар нафақат юртингизда, балки жаҳон миқёсида эътироф этишга молик оламшумул воқеадир. Жаҳон фан олимпиадасида 47 йилдан буён қатнашиб, биронта олтин медал ололмаган давлатлар қанча. Буни қарангки, сизнинг атиги биргина ўқув юртингиз ёшлари бундай беллашувларда 31 та медални қўлга киритибди, яна шундан бештаси олтин. Бундай галабага эришишнинг ўзи бўлмайди. Тўғриси айтсам, бу жаҳоншумул галаба”, деган эди у бир олам ҳаяжон билан.

МЕҲРДАН ҚУРИЛГАН КЎРҒОН МУСТАҲКАМ БЎЛАДИ

► БАҒРИКЕНГ ДИЁР

Бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилаётган диёримизнинг қайси ҳудудига борманг, бирор тўй ёхуд тантананинг устидан чиқасиз. Бир-бири билан дўст, қуда-анда бўлиб, қавм-қариндошлик ришталарини янада мустаҳкамлаётган турли миллат вакилларининг тўкин дастурхон атрофида ширин суҳбат қуриб ўтирганини кўриб, кўнгилда ажиб ҳислар уйғонади. Одамларнинг бир-бирига меҳр улашишлари қандай яхши. Меҳрдан, ўзаро муҳаббатдан қурилган кўрғон мустаҳкам бўлади, зотан, аҳил халқни ҳеч ким енга олмайд.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки куларданоқ, халқимизнинг азалий қадриятларини тиклашга алоҳида эътибор қаратилди. Диний бағрикенглик муҳити яратилди, кишиларнинг дин ва эътиқод эркинлиги нафақат Бош қонунида белгиланди, балки унинг амалий ижроси таъминланди. Турли миллат вакилларининг қадриятлари қадр топди.

“Ўзбекистон — умумий уйимиз” деган эзуға асосида фаолият кўрсатаётган 137 та миллий-маданий марказ юртимизда яшаётган турли миллат вакилларининг миллий маданий эътиёжларини қондиришга хизмат қилмоқда. Ун олти диний конфессия вакиллари аҳил-иноқ яшаб, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида самарали меҳнат қилаётир. Улар ўз диний байрамлари ва эътиқод амалларини эмин-эркин адо этмоқда.

Конституцияимизнинг 18-моддасида “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун олдида тенгликлар” деб белгилаб қўйилган.

ни ҳам кўпмиллатли халқимиз ўртасидаги тотувлик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлаётир.

Ҳар йили 16 ноябрь Халқаро бағрикенглик куни сифатида бутун дунёда, жумладан, мамлакатимизда кенг нишонланади. Мазкур сана муносабати билан “Ижтимоий фикр” жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази “Ўзбекистон — умумий уйимиз” мавзусида семинар ўтказди.

Ушбу илмий-амалий семинарда юртимизда йўлга қўйилган дунё ҳавас қилгулик бағрикенглик принциплари, турли миллат ва элатларнинг тинч-осуда истиқомат қилаётгани, уларнинг ҳуқуқлари қонун билан кафолатлангани, бу борада жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантиришнинг долзарб муаммолари хусусида сўз юритилди. “Ижтимоий фикр” маркази томонидан ўтказилган кўп йиллик социологик сўровлар натижалари тўғрисида мазкур марказ директори ўринбосари Озод Атамирзаев шундай дейди:

— Биз мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элат вакиллари ўртасида махсус сўровнома ўтказдик. Унда иштирок этганларнинг 92 фоизи шу за-

минда яшаётганидан фахрланишларини билдирган бўлса, Бош қомусимизда мустаҳкамланган миллат ва диндан қатъи назар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилинишини 98,5 фоиз ватандошимиз ижобий баҳолаган. Энг асосийси, сўровнома натижаларидан тарихий, маданий қадриятлар ва анъаналаримиз сақланиб қолаётгани, улар авлоддан авлодга етиб бораётганига яна бир бор амин бўлдик.

Маълумки, 1995 йил 16 ноябрда ЮНЕСКО томонидан қабул қилинган “Бағрикенглик тамойиллари тўғрисида”ги Декларацияда “Бағрикенглик бўлмасан тинчлик бўлмайди, тинчликсиз эса тараққиёт ва демократия бўлмайди”, деб таъкидланган. Турли этник гуруҳларнинг турмуш тарзига, хатти-ҳаракатига, туйғулари, фикрига, гоёлари ва эътиқодларига нисбатан кўнгил очкилик ва сабот-чидамнинг намоени бўлишини тақозо этувчи бағрикенглик энг асосий демократик қондалардан бири сифатида нафақат давлат миқёсида, балки шахслараро, гуруҳлараро даражада ҳам янада кўпроқ қарор топмоқда.

— Турли спорт мусобақалари, олимпиада ўйинлари, ўртоқлик учрашувлари ҳам миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликнинг бир кўриниши десам хато бўлмайди. Сабаби нафақат спортчилар балки уларни қўллаб-қувватловчи мухлислардан ҳам бошқа миллат вакиллари хурмат қилиш, дўстона муносабатда бўлиш талаб этилади, — дейди ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси масъул котиби Алишер Икромов. — Қолаверса, ҳар йили миңлаб ёшларимиз чет мамлакатлар-

га ўқиш истагида кетишмоқда. Уларнинг ҳар бирида бу туйғуни шакллантириш энг аввало, оила ва жамиятимиз чекига тушади. Ёки бугун долзарб муаммолардан бирига айлانган миграция масалаларини олиб қарайлик. Буларнинг бари ҳар бир миллат вакилидан бағрикенгликни, инсонпарварликни талаб этади. Айни дамдаги олдиликлардан қўқунган, ечимини қутаётган муаммолар ҳам айни шу масалалар билан боғлиқ.

— Бугунги кунда мамлакатимизда 7 тилда ўрта ва олий таълим олиш имконияти яратилганининг ўзиёқ юртимизда аъло даражада йўлга қўйилган бағрикенгликдан далолатдир, — дейди Республика Байналмиал маданият маркази директори Насриддин Мухаммадиев. — Миллий маданият марказларининг бариде тил ўрганиш курсларининг ташкил этилгани юртимизда яшаётган бошқа миллат вакилларига нисбатан юксак ҳурмат ва эътибордандир.

Чиндан-да болажону, миллатсеварликда, аҳиллиги бағрикенгликда миллатимиз вакилларига ҳавас қилса, улардан ўрнак олса арзийди. Юртимизда миллатлараро тотувликни барқарорлаштиришга қаратилган янги гоё ва ташаббусларнинг кўпаяётганини дўстлик ва ҳамжихатлик кўрғонининг янада мустаҳкам бўлишига хизмат қилади. Давлатимизнинг Биринчи Президенти эътироф этганидек, “Ўзбекистоннинг бойликлари кўп, лекин бизнинг энг катта бойлигимиз, энг юксак қадриятимиз — жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжихатликдир”.

Гўзал МАЛИКОВА,
“Hurriyat” муҳбири

Собиқ тузум даври кечагидек эсимда. Ўша пайтларда ҳам миллатимиз ёшлари орасида истеъдодлилари кўп эди. Бироқ илм-фан соҳасида юртимиздан бирон-бир ўқувчининг халқаро ёки жаҳон фан олимпиадасида қатнашганини ҳам эслай олмаيمан. Истиқлол йилларида-чи? Дейлик, спорт, маданият, санъат ва таълим бўйича ўтган нуфузли халқаро беллашувларда фарзандларимиз қўлга киритаётган медалларни санаб алоҳита етиб бўлармикан? Йўқ, албатта. Бундай оламшумул натижалар Ўзбекистон ёшларининг билим ва салоҳият борасида ҳам ҳеч бир мамлакат ўғил-қизларидан кам эмаслигига яққол далилдир.

Келинг, аниқ мисолларга мурожаат қилайлик. Биргина Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги Юнусобод академик лицейида 2008—2016 йиллар мобайнида 69 нафар ўқувчи кимё ва биология фанлари бўйича жаҳоннинг турли мамлакатларида бўлиб ўтган халқаро фан олимпиадаларида муваффақиятли қатнашиб, ақл-заковат бобида кўплаб хорижий тенгдошларидан устун эканлигини намойиш этишди. Аниқроқ қилиб айтсак, биргина кимё фани бўйича жаҳон миқёсида бўлган билимлар беллашувида 5 та олтин, 10 та кумуш, 16 та бронза, жами 31 та медални қўлга киритиб, жаҳон аҳлининг ҳайрати ва ҳавасига сабаб бўлишди.

Дарҳақиқат, бугун ёшларга яратиб берилётган имкониятлар ўзини оқламоқда. Мисол тариқасида 2008 йили Тошкент шаҳрида кимё фани бўйича ўтказилган 42-халқаро Менделеев олимпиадасини олайлик. Унда лицейимизнинг энг билимдон ёшларидан Анвархўжа Мақсудхўжаев олтин, Анвар Мирзаев эса кумуш медалга эғалик қилди. Бу ютуқ бизни ниҳоятда руҳлантириб

юборди. Ўша йили Москва шаҳрида бўлиб ўтган табиий ва ижтимоий фанлар бўйича VI ёшлар олимпиадасидан 3 нафар ўқувчимиз биринчи ва иккинчи даражали диплом билан қайтишди. Кейинги йили ўқувчиларимиздан бир нафари кимё бўйича республика фан олимпиадасида энг юқори балл тўплаб, муддатидан олдин талабалик бахтига муяссар бўлди, 2 нафари эса Туркменистонда ўтган 43-халқаро Менделеев олимпиадасида рағбатлантирувчи дипломни қўлга киритди. Бир йил ўтиб, Озарбойжоннинг Боку шаҳрида ташкил этилган 44-халқаро Менделеев олимпиадасида эса бир йўла 4 нафар ўқувчимиз махсус дипломга эга бўлди.

2011 йили Москва шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги ёш менделеевчилар беллашувида ўқувчиларимиз 1 та кумуш, 1 та бронза медал ҳамда 2 та рағбатлантирувчи диплом, кейинги йили Остона шаҳрида ташкил этилган 46-олимпиадада эса олтин, кумуш ва бронза медал ҳамда 2 та махсус дипломга сазовор бўлишди.

Йилдан-йилга лицейимиз ўқувчилари ҳаётида ютуқлар салмоғининг тобора ортиб бориши уларнинг ўзига бўлган ишончини янада ошириб юборди. Қарабисизки, 2013 йили пойтахтимизда ўтказилган 47-халқаро Менделеев олимпиадасида қатнашган 6 нафар ўқувчидан бештаси со-

Дарҳақиқат, бор-йўғи саккиз йил ичида фақат кимё фанидан 31 та медал, яна 25 нафар ўқувчимизнинг имтиёзли диплом ва сертификатларни қўлга киритиши ҳар бир устоз учун чексиз шараф, албатта. Бундай ютуқлар ҳақида гапирганда, Ватанимизнинг эртанги куни — порлоқ келажакни кўз олдимиздан ўтади. Ва она юртимиз Ўзбекистоннинг эртаси ишончли қўлларда эканлигига асло ва асло шубҳа қолмайди.

Ортиқбой ЭШОНКУЛОВ,
ТПТИ қошидаги Юнусобод академик лицейи директори,
биология фанлари доктори, профессор,
“Фидокорона меҳнатлари учун” ордени соҳиби

ХУДУДЛАРДАН ДАРАКЛАР

Хозирги кунда чекка туманлар ҳам замонавий ахборот технологиялари ёрдамида тўла-тўқис ахборот олиш имконига эга. Хусусан, вилоят телерадиокомпанияларининг замон талаблари даражасида жиҳозланиши ва сифатли эфир учун яратилган шарт-шароитлар буни тасдиқлайди.

Наманган вилоят телерадиокомпанияси ҳам замонавий ускуна ва жиҳозлар, рақамли ёриткичлар, янги камералар билан етарлича таъминланган. Телевидениенинг ҳафталик кўрсатувлари ҳажми 126 соатни, ойлик эса 540 соатни ташкил қилади.

Из интеллектуал меҳнат билан аҳамият касб этиётган глобаллашув ва интернет асрида яшашимиз. Бундай вақтда эришилган ютуқлар билан чекланиб қолмасдан, жадвал ўзгариб бораётган давр билан ҳамнафас бўлиб қалам ташлаш талаб этилади.

Ана шундай талаблар асосида меҳнат қилаётган Наманган вилоят телерадиокомпанияси жами саксон нафардан зиёд ходим ишлайди. Улардан саксон фозини ёшлар ташкил этиди. Жамодаги тахрир ва мутахассислардан бири сий Шарҳловчи, маданият маърифий йўналиш муҳаррири Дилдора Мамадиёрова.

Республикаси Биринчи Президентининг қуйидаги сўзларини ёдга олсак: “Журналистлар, уларга хос хусусиятлар ҳақида гапирганда, биз, аввало, сезирлик ва зийраклик аломатларини, ҳаёт ўзгаришлари, дарду ташвишларини чуқур кузатишдан кенг дунёқараш эгалари бўлган, турли касб ва мутахассисликни ўзида мужассамлаштирган инсонларни тасаввур этамиз”.

Наманган телеканалининг иқтисодий, сиёсий, тиббиёт, таълим, маънавий-маърифий, ҳуқуқий ва бошқа йўналишлари ҳамда турли муаллифлик кўрсатувлар муҳарририяти мавжуд. Уларда асосий этибор фуқаролар, айниқса, ёшлар онгиди миллий ғоя тамойилларини шакллантириш, бой тарихимиз, урф-одат ва анъаналаримизга нисбатан ҳурмат ҳиссини тарбиялаш, ўзликни англаш, она-Ватанга муҳаббат, терроризм, диний экстремизм, ғиёҳхандлик каби иллатларга қарши курашишни асосий йўналишларини кўрсатиб беришга қаратилди. “Гўзал ва бетакроримсан, муқад-

ТОМОШАБИН ЭҲТИЁЖИ — МУҲИМ МЕЗОН



дас Ватаним, жоним сенга фидо Ўзбекистоним!” (туркум кўрсатувлари), “Агар огоҳсен...”, “Тараққиёт ва фаровонлик сари”, “Кун мавзуси”, “Сиз нима дейсиз?”, “Дидаги гаплар”, “Наманган тонги” ахборот-музыкали кўнгилочар дастурлари, “Менинг оилам” телелойҳаси ва бошқа дастурлар томошабин этиборидан четда қолмайди. Мазкур лойиҳаларда коллеж, лицей ўқувчилари ва олий ўқув юрталари талабалари, маҳалла фаоллари, тадбиркорлар иштироки эмоқда.

Ахборот йўналиши умумий кўрсатувларнинг 9,8 фозини ташкил қилади. Асосий этибор телетомошабинини вилоят, республика миқёсида ва хорижда рўй бераётган муҳим воқеа-ҳодисалардан тазкор ҳамда ҳодислик билан хабардор қилишга қаратилган. “Диёр янгиликлари”, “Ҳафтанома”, “Диёр-Наманган” дастурлари энг оммабоп кўрсатувлар ҳисобланади.

Ўзбекистон ёшлари спорт соҳасида халқаро ареналарни забт этиб, голибликни қўлга киритаётгани ҳаммамизга фахрият ҳисобланади. Бу соҳа ҳам жамоа диққат марказида турибди. Жорий йил май ойидан спорт ток-шоуси эфирга узатилоқда.

Вилоят телевидениесиди

қувончини ўйлайди. Бу қадрият телевидениеда ҳам ўз аксини топиб турибди. Болажонлар учун тайёрланган “Кичкинтой” кўрсатуви орқали ана шу мақсад қўзланган ва у жажжиларга манзур бўлиб келмоқда.

— Шу йил ёзда икки ҳафта давомида Наманган телевидениесиди амалиёт ўтадим, — дейди ЎЗМУ журналистика факультети талабаси Ёркиной Исмонова. — Тўғриси айтсам, телевидениеда бунчалик имконият ва ютуқлар борлигини кутмаган эдим. Шарт-шароитлар, замонавий жиҳозланган студияларга қараб ҳавасим келди. Жамоа аъзоларининг самимиюлиги, бир-бирига дўстона муносабатларидан мамнун бўлдим. Ёш, тажрибасиз бўлишимга қарамай, мени амалиётчи эмас, балки, ўша жамоанинг аъзоси сифатида қабул қилишди.


Бошқа ОАВларга нисбатан телевидение аҳоли руҳиятига кучлироқ таъсир кўрсатиши бор гап. Экрандаги тасвир, чехра ва қиёфа катта аҳамиятга эга. Наманган телевидениеси жамоаси бундан жуда яхши тушунади. Сўзимиз якунида вилоят аҳлининг маданият маърифий эҳтиёжини қондириб келатган жамоага муваффақият тилаб қоламиз.

Зухра НОРЙГИТОВА,
ЎЗМУ журналистика факультети 2-курс талабаси

МАШҲУР ЖУРНАЛИСТЛАР ҲАЁТИДАН

Дунёда шундай инсонлар борки, улар ҳеч қандай махсус билимларни ўзлаштирмай туриб ҳам, бирор соҳанинг энг сара мутахассисларидан бирига айлана олишади. Бундай инсонларга Яратган томонидан туғма истеъдод ато этилади. Америкалик журналист ва телебашловчи Ларри Кинг ана шундай инсонлардан ҳисобланади.

ЛАРРИ КИНГ



БОЛАЛИГИ
Асл исми Лоуренс Харви Зейгер бўлган журналист 1933 йил 19 ноябрда АКШнинг Нью-Йорк штатида туғилган. Отаси австриялик Эдди Зейгер ресторон раҳбари, онаси беларуслик Женни Зейгер тикувчи бўлган. Уларнинг биринчи фарзанди Ирвин олти ёшида кўриш қасаллигидан вафот этган. Ларридан кейин уларнинг оиласида яна бир ўғил — Марти дунёга келади.

Ларри Кинг Бруклиндаги Лафаетте юқори мактабиди тахсил олган. Унинг отаси юрак хуружидан вафот этади. Бу Кингга қаттиқ таъсир қилади ва унинг дарсларга бўлган қизиқиши сусаяди. Юқори мактабни якунлаган, онасига ёрдам бериш мақсадида бармен бўлиб ишлайди, таълим олишни эса тўхтатади. Бироқ унинг радиода ишлашга қизиқиши юқори эди.

ИЛК ФАОЛИЯТИ
Ларри Кинг кўнлардан бирида ўз даврининг машҳур шарҳловчиси Жеймс Сермонс билан тасодифан учрашиб қолади ва ишга таклиф этилади. 1957 йилдан радиостанция офисида фаррошлик қила бошлади. Диктор этишмаган вақтларда Ларри Кингга эфирга чиқишни таклиф этишади. У вақтинчалик олиб борган дастурлар тезда оммалашиб кетади. Шу тариқа у 1950—60 йилларда АКШнинг Флорида штатидаги “WARR” радиоканалида журналист сифатида ўз фаолиятини бошлаган.

Кинг 16 йил давомида Маямидаги “Mutual” радиоканалидаги “The Larry King Show” дастурида ишлаган. Унинг биринчи интервьюси офисдан билан бўлган эди. Кинг 20 йил давомида (1982—2001) “USA Today” номли ҳафталик газетани ўз саҳифасини юртдан.
У ишлайдиган радиоканалнинг бош менежери Маршалл Симмондз Ларри Кингга Зейгер фамилиясининг жуда қадимийлиги ва уни эслаб қолиш мураккаблигини айтади. Шундан сўнг у ўз исми-шарифини ўзгариштиришга қарор қилади ва бу ишни икки йил ўтмай қонуний тарзда амалга оширади.


ПРОФЕССИОНАЛ ФАОЛИЯТИ
Кинг ўзининг телевизион дастурини юритишга қадар қироллар, президентлар, кино юлдузлари, уруш қаҳрамонлари каби 35 мингдан ортиқ респондентдан интервью олган. 1985 йилда бутун дунё бўйлаб илк мартаба “Larry King Live” номли онлайн интервью дастури жонли эфир орқали узатишга (2010 йилга қадар). Бундан ташқари, Ларри Кинг 11 та китоб муаллифи ҳамдир.

Ларри Кинг журналист сифатида 40 йилдан ортиқ фаолият олиб боради. Бу давр ичиди у кўплаб мукофотларга сазовор бўлди, жумладан, “Hollywood Walk of Fame” совринини, “Эмми”, “Солус”, “Олтин ликопча” мукофотларини қўлга киритди. Бироқ у эришган энг катта муваффақият халқ меҳри бўлди. Унинг интервьюлари жонлиги, қизиқарлиги билан тингловчилар меҳрини қозонган.
У тиббий хизмат кўрсатуви ташкилотларни кўплаб-қувватлаш мақсадида “Ларри Кинг фонди”га асос солган. “30 Рок”, “Гравиги Фолле”, “Гостбустерлар”, “Асалари” фильмларида эпизодик ролларни ижро этган. “Шрек 2” анимацион фильмида Дорис образига овоз берган.

Кинг интернетдан яхши мақсадларда фойдаланиш тарафдори, у “Твиттер” ижтимоий тармогининг фаол фойдаланувчиларидан. Тўрт нафар фарзанди бор.
Ларри Кингни нафақат АКШда, балки дунёнинг кўплаб мамлакатларида хусусан, Ўзбекистонда ҳам яхши билишади. Журналистика факультетларида унинг интервью олиб бориш услуби атрофлича ўрганилади. Ларри Кинг тайёрлаган дастурлар интернет орқали ўзбек аудиторияси томонидан мунтазам кузатиб борилади.

Мадинахон ХАСАНОВА,
ЎЗМУ талабаси
Дилшодабону АВВАЛБоеВА

ҚАЛДИРҒОЧ ИНИ



Ушбу рукнимиз газетхонларимизга яхши таниш. Маълумки, журналистика соҳасига эндигина қадам қўяётган талабаларнинг ижодий салоҳиятини кўллаб-қувватлаш, уларда қалам тебратни кўникмаларини шакллантириш мақсадида мазкур руқи ташкил этилган.
Бугунга қадар кўлаб ёш журналистлар “Қалдирғоч инни”дан учирма бўлди. Уларнинг парвозлари бандлаб борапти. Бугун номлари илк бора газета саҳифасида кўришга қўйилган ёш ҳамкасбларимизга ҳам юксак парвозлар тилаймиз.

Тахририят

Ноябрь атманглари

Ноябрь ойи — ҳазонрезги ва ёғингарчилик мавсуми. Ушбу ойга келиб, йил бўйи режалаштирилган барча ишлар деярли поёнига етказилади. Баҳорда қуртак чиқариб, ёз бўйи яшилликка бурканадиган дарахтлар куз фаслининг сўнги ойига келиб, зангори тусга киради ва сержило тилла рангда товланади.

Сирдарё вилоятиданман. Вилоятимизнинг айрим жойларида ноябрь ойини “аттанг ойи” ҳам деб аташади. Нега, дея савол беришингиз мумкин. Сабаби ой аввалида чўпон қўй-эчкиларини кўрага қамайди. Дехқон ҳам дўпписини тоқмага қўйиб, сандалга чўе ташлайди. Бу вақтга қалар режалаштирилган, аммо амалга ошмай қолган ишлар эсланса, “аттанг” дейишади.

Инсон умрининг ҳам бу ойга қиёсланиши бежиз эмас. — Умрининг ҳам баҳори, ёзи, кузи, қиши бўлади, — дейди бобом. Фақат биргина фарқи — умр фасллари такрорланмайди. Биздан яхши ишларни умрининг кузига қолдираемиз. Гўё бу фаслда барчасига улгуришимиз тайиндай. Аммо куз қандай келади? Бизга номаълум.
Хозирги кунда ҳаёт ташвишлари билан ўраллашиб, энг асосий ишларимизни унутиб қўяётганимиз гоҳида ўзимизга ҳам сезилмайди. Баъзи инсонлар ҳаётга энгил-елпи назар билан қарашади. Бунинг сабаби барча ишларимизни кишиларнинг қўл меҳнати ўрнига бажаряётган автоматлаштирилган машиналар-у, ҳар хил турдаги технологиялармикан дея ўйлаб қоламан. Ёки дангасалигимиздан шу аҳволга тушиб қоляпмизми?
Шунинг учун бўлса керакки, ота-боболаримиз дангасаларга “ниначи” дея таъриф беради. Унинг ёз бўйи гулдан-гулга қўниб, яйраб ўйнаши, меҳнаткаш чумолини мазаб қилиши, қишга келиб эса ўзи оч қолиши барчамизга аён. Бу кишига вақтдан унумли фойдаланиб қолиш ҳикматиини беради.
Хулоса қилиб айтганда, ниначининг аҳволига тушиб қолмай, аттанг демасдан ўқиш, меҳнат қилиш билан биргаликда эзгу амалларни кўпайтиришга шошилишимиз лозим. Имкониятларимиз эса керагича берилган. Ундан тўғри фойдалана олсак бўлгани.

Ситора АЛИҚУЛОВА,
ЎЗМУ 1-курс талабаси

Маданият жой танламайди

Автобус бекати. Ҳамма ўз уловини кутарди. Университет йўналишидаги автобус ҳам келди. Кўплаб қизик воқеалар йўлда содир бўлади. Тирбанд автобуснинг ўрта қисмидаги ўриндикда ўтирган бир аёлнинг телефони жиринглаб қолди. У гўшақни кўтарди. Автобус йўлида давом этмоқда. Аёлнинг телефондаги мулоқоти йўловчиларнинг диққатини тортди. Гўё автобусда ундан бошқа ҳеч зот йўқдек. Энди аёл телефонда ўзининг бор дардини тўкиб сола бошлади.

У қаерда яшашини, исминини айтиб, оила аъзолари ҳақида сўзлай кетди. Телефондаги сўхбатдошига ўйла Озодбек 21 ёшга тўлганини айтди. Кенжа қизи Фарзона шаҳардаги рақс мактабиди ўқир ва уни уч ойдан буён кўрмагани сабабини тасвирини сўзларди. Кўнги-роқ қилган ҳалиги киши ҳам аёлнинг кунт билан эшитиб турарди. Уша телефондаги сўхбатдоши гўё айнан шуни эшитиш учун кўнги-роқ қилгандек.

Аёл эса ўз дардини тўкишда давом этди. Оиласидаги-етишмовчилик сабаб турмуш ўртоғи чет элга ишлашга кетгани, яқинда биринчи қизига совчилар келгани ва турмуш ўртоғининг қандай жавоб бергани аёлни ташвишга солганди.

Рустамбек ЖҮРАЕВ,
ЎЗМУ талабаси

“Денгиздаги туйғулар”

Денгиз... Шу сўзни эшитганда хаёлимизда сокин, кўм-кўк, куёш нурида жилоланиб, кўзни биллур каби қамаштиргувчи сув, охири кўринмас бепоён кенглик намоён бўлади.

Одатда биз унинг шунчаки ташқи кўринишига этибор берамиз — холос. Унинг тубида нима яширинганига ҳеч қизиқиб кўрганмизми? Нима учун денгиз суви шўр бўлади? Нима учун денгиз сувини истеъмол қила олмаймиз, лекин ундан ортиқча бир нарсалек юз туриб кета олмаймиз? Чунки, бу оламда ҳеч бир нарса шунчаки аралмаган, шунингдек биз ҳам. Денгиз суви инсоннинг кўз ёшлари каби шўр, аммо кераклидир. Биз қалбимизда жўш уриб турган туйғуларимизни, қувончларимизни, дард-аламларимизни кўз ёшларимиз билан чиқариб юборамиз. Балки Оча сайёрамиз ҳам ўз қайғу-дардларини ёки қувонч кўз ёшларини

яшашга, ниманидир бажаришга, турли ғовтўсиқларни энгишга, ҳаётга бўлган қизиқишини оширишга ундайди.

Ҳеч ўйлаб кўрганмизми, туйғуларнинг сони борми? Бор бўлса, қанча? Сизда туйғуларнинг нечтаси мавжуд? Шу ўринда бир ривоят. Шогирд устозидан сўради: “Устоз мен нимани бутун умр унутмаслигимиз керагу, нимани ўша заҳоти унуттишим керак?” Шунда устоз: “Меҳр беришни бутун умр унутмаслик керак, меҳр бериб таъна қилмаслик учун уни ўша заҳоти унуттиш керак”.

Ҳар биримизнинг қалбимизда турли туйғулар денгиз тўлқинлари каби ҳаракатланиб, мавжлаб турлади. Бу туйғулар денгиздаги маржон қоялар сингари гўзал ва бетакрордир. Бизнинг атрофда бўлган муносабатимиз туйғуларимиз орқали намоён бўлади. Голландиялик файласуф Барух Спиноза айтмоқчи, “Қалбларни қурол билан эмас, меҳр-муҳаб-

Мадинахон ХАСАНОВА,
ЎЗМУ талабаси

► ШАРХ

Тинчликни қўллаб-қувватлаш бўйича кўплаб миссияларда (Судандаги БМТ миссияси, Дарфурда Африка Иттифоқи – БМТ қўшма операцияси, Конго Демократик Республикасини барқарорлаштириш бўйича БМТ миссияси, Гаитини барқарорлаштириш бўйича БМТ миссияси, Афғонистонга кўмаклашиш бўйича БМТ миссияси, Либерияда БМТ миссияси, Кот-д'Ивуарда БМТ операцияси) бола ҳуқуқлари бўйича маслаҳатчилар фаолият юритмоқда.

Урушларга тортилган 19 мамлакат ва ҳудудда аёллар ҳамда болаларга қарши оғир жиноятлар содир этилмоқда. Жумладан, 2014 йилда "ИШИД" ешид миллатига мансуб аёллар ва қизларни асирга олиб, уларни сотиш орқали 45 миллион доллар даромад топди.

"Биз бугун бу ерда мажлис қўраётган пайтда Ракка шаҳридаги қўллар борзорида аёллар сотилмоқда, — дейди БМТнинг можа-ролар шароитларида жинсий зўравонлик масаласи бўйича махсус вакили Зайнаб Бангур. — Фермерлар борозда уй ҳайвонларини сотгани каби аёллар ва қизларнинг нархи кўрсатилган прайс-листлар мавжуд. Террорчилар ва экстремистлар бу каби олдидотдиларда иктымий тармоқлардан фаол фойдаланмоқда".

2014 йил болалар учун дахшатлар, қўрқинлар ва азоб-қубатларга тўла йил бўлди. Уларнинг кўплари ўлдирилди, акарияти майиб-мажруҳ қилинди ёки қатор қуроли гуруҳлар томонидан ҳарбий ишлар учун ёлланди. Норасида ўғил ва қизларнинг ота-оналари вайрон қилинган уйларини ташлаб, ҳарбий можа-ролар давом этаётган ҳудудлардан чиқиб кетди, — дея қайд этади ЮНИСЕФ раҳбари Энтони Лейк. — Болалар мактаб биноларида ёки ўз тўшақларида қурбон бўлмоқда. Улар қийноқларга солинмоқда, зўрланмоқда, қул сифатида сотиб юборилмоқда. Авваллари кенг қўламли бундай ваҳшийликлар ҳақида ҳатто тасаввур ҳам қилиб бўлмас эди.

Афғонистон, Конго Демократик Республикаси, Нигерия, Покистон, Сомали, Судан ва Яманда ўн миллиондан ортиқ бола гуманитар ёрдамга муҳтож. 2015 йилда Марказий Африка Республикаси, Ироқ, Жанубий Судан, Фаластин, Сурия ва Украинада 15 миллион бола қуроли тўқнашувлар марказида қолиб кетди. Қонли можа-роларга тортилган минтақа ва мамлакатларда 230

миллион бола яшамокда. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция қабул қилинганидан буён ўтган йиллар ичида сезиларли ютуқларга эришилганига қарамай, ҳали олдинда қилинажак ишлар жуда кўп.

Иккинчи жаҳон урушидан буён илк бора 2015 йили ўз яшаш жойини ўзгартирганлар сони 50 миллионлик чегарадан ўтди. Уларнинг 16,7 миллиони қочоқлар, 33,3 миллиони мамлакат ичида яшаш жойини ўзгартирган шахслардир. Қочоқ болаларнинг 45 фоизи Сурия ва Афғонистон ҳиссасига тўғри келмоқда.

"2015 йили халқаро муҳожирлар ва қочоқларнинг умумий сони 244 миллион кишига етди. 2050 йилга бориб бу рақамлар 321 миллиондан ортади", — дея бонг урмоқда БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун.

"Сайёрамизда тинчлик неъматидан жуда тақчил бўлиб бормоқда, — дейди БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича олий комиссари Антониу Гутерреш. — Бу, асосан, икки омилта боғлиқ. Биринчидан, янги инқирозлар, жумладан, Марказий Африка Республикаси, Жанубий Судан, Украина ва Ироқда урушлар юзага келди. Иккинчидан, аввалги қарама-қаршиликларга барҳам берилмапти. Сурия, Сомали, Конго, Бангладеш, Фаластин ҳамон инсониятнинг оғриқли нукталари бўлиб қолаётир".

Миллионлаб қочоқлар Покистон, Эрон, Ливан, Иордания, Туркия ҳудудларида тўпланиб қолди. Охириги уч давлат Сурияда фуқаролар уруши бошланганидан кейин бу рўйхатдан жой олди. 4 миллион суриялик, 2,56 миллион афғонистонлик, 1,12 миллион сомалилик хорижий давлатлар ҳудудида қочоқ мақомида яшамокда. Улар ўзлари тунтилган масканларга қайтишни сира истамаяпти. 2015 йили 414,6 минг қочоқ ватанга қайтган бўлиб, уларнинг ҳам аксарияти ўзи кўним топган давлатдан мажбурий тарзда чиқариб юборилган.

2015 йили Европага келган бир миллиондан ортиқ

қочоқнинг 253700 нафари болалардир. Аёзли қишда улар катталар қатори азоб-қубатларга чидаша, очлик-ночорликка дош беришга мажбур бўлмоқда. Бинобарин, қочоқларга ҳатто олдий яшаш шароитлари ҳам яратилмаган ва иссиқ кийимлар билан таъминланмаган.

Болалар хорижга ота-оналар ёки бошқа ёши катта яқин ҳамроҳларсиз кетишмоқда. 2015 йилда 100 минг ёлғиз бола 78 мамлакатдан бошпана сўради. Бу 2014 йилгаги кўрсаткичдан уч баробар кўпдир. Улулар ҳамояси-

да таълим олишдан мосуво бўлиб қолиши улар тақдирига салбий таъсир этгани муқаррар. Мактаб таълимини ололмаётган жаҳондаги 57 миллион боланинг ярми можа-роларга тортилган мамлакатларда яшамокда, уларнинг 54 фоизи қизлардир. Шунингдек, 20 миллион нафар бола бошланғич таълим олиш ёшида. Низолар ҳудудида истиқомат қилаётган ва мактабга бормаётган 28,5 миллион боланинг таълимдан фойдаланиши бўйича тезкор чоралар қабул қилиш зарур.

Африка қитъасида улар улуши қарийб 60 фоизга етди. 2015 йилда 73,4 миллион ёшлар ишга жойлаша олмади. Ишсизлик даражаси ўсаётгани маош тўлашни тақлиф этаётган ҳарбийлашган экстремистлар сафига ёшларни қўшилиб кетиш хавфини оширмоқда.

Нигерия ҳукумати 2016 йилда содир этилган 89 та терактларнинг 39 таси ўзини ўзи портлатиб юборган аёл-ҳудушлар амалга оширганлини хабар берди. Уларнинг 21 нафари ҳали 18 ёшга ҳам тўлмаган қизлар экан. Бу аёлларнинг кўпчилиги ўзи яшаб турган қишлоқларидан ёшлигида ўғирлаб кетилган ва террорчиларга айлан-тирилган.

Конгода қуроли гуруҳлар ва ҳукуматга хайрихоҳ бўлималарни шакллантиришда болалардан фойдаланиш ва уларни ёлғиз ҳолати ҳам ташвишланарлидир. Бу ерда 6 минг бола, жумладан, 30 нафар қиз аскарлар қаторида жанг олиб боришти. Уруш майдонларида қурбон бўлмай қолган болалар наркотиклар истеъмоли, ҳарбий қўмондонларнинг мураккаб топшириқлари, шахвоний мақсадлардаги зўравонликлардан сўнг нобуд бўлмоқда.

Афғонистонда эса 8 ёшдан аскарликка киратилган болалар бор. Болалар қўлбола портловчи қурилмалар яратишда фаол иштирок этмоқда, ҳарбий юзларни белгиланган манзилга ортиқча шубҳа туғдирмасдан етказиб бормоқда, ўзини ўзи портлатиш учун жангарилар томонидан ёлланмоқда, муҳдир террорчилик актиларини амалга ошириш учун тайёрланмоқда.

2013 йили Мьянма армияси таркибидagi 96 нафар ўсмир аскарликдан озод қилинди. Бу ерда жами 272 аскар-бола фуқаролик ҳаётига қайтарилди. Сурияда эса жангарилар ҳукумат қўшинларига қарши курашда болалардан тирик қалқон сифатида фойдаланмоқда.

Могадишогаги Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш маркази виде-раис Али Шайх Ясиннинг сўзларига кўра, Сомали ҳукумат кучлари таркибидa болалар улуши 20 фоизга етмоқда. Улар шу қадар заифки, ҳатто 5 килолик автоматни кўтариши ҳам қурби етмайди. Ҳукумат уларга кунига 1,5 доллардан ҳақ тўлайди. Бу ерда таълим муассасалари йўқлиги сабабли болалар асосий вақтини ҳарбий тайёргарликда ўтказишмоқда. Ваҳоланки, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияси биноан ҳарбий ҳаракатларда 15 ёшдан кичик бўлган болалардан фойдаланиш мумкин эмас.

Конго Демократик Республикаси, Чад, Судан ва

Угандада болаларни армия сафига олиш ҳолатлари ҳамон давом этмоқда. Конго армияси шахсий таркибининг деярли ярми (30 минг нафари) вояга етмаган болалардан иборат.

Африка марказий ва ғарбий қисмида жойлашган мамлакатлар армиялари аскарларининг ҳар ўн нафаридан бири боладир. Улар урушлар нима учун олиб борилаётгани ва нега қуроли кўтариб юргани тўғрисидаги сўрашларга жавоб беришмайди. Марказий ва Шарқий Африка хавфсизлиги катта муаммо туғдираётган "Ал-Шабаб" террорчилик гуруҳи таркибидa 80 фоиз жангарилар вояга етмаганлар ҳисобланади.

Уганда шимолий ва шарқий минтақалари ўртасида кечган ўзгаришлар билан қишлоқдан хавфсизроқ бўлган шаҳарга келишар, хиёбонлар, меҳмонхоналар деворлари остида ва мактабларда тунаб, тонг отиши билан орта қайтишар эди. Жангарилар таркибидa ҳаракат қилган "аскар болалар" ҳатто ўз укаси ва синглисини ўғирлаган ҳоллар учради. ЮНИСЕФ маълумотларига кўра, 1986–2002 йилларда улар томонидан 32 мингта яқин болалар ўғирланди. Халқаро жиноят суди бу қуроли ҳибсга олишга ордер берди.

БМТ Бош қотибининг Марказий Африка бўйича махсус вакили Абдулай Баттилий Хавфсизлик Кенгашида маълум қилишича, анча вақт тинчиб қолган бу исёнчилар 2016 йилдан ўз ҳужумларини қайта бошлади. Конго Демократик Республикаси ва Марказий Африка Республикаси тоғли ҳудудларида улар қўрилиганда фаол ҳаракат қилмоқда. 2016 йилнинг биринчи чорагида Марказий Африка Республикасига 40 маротаба дахл қилиб, сафларини тўдириш мақсадида 113 инсонни, асосан, болаларни ўғирлаб кетишти.

Афғонистон, Ироқ ва Покистонда болалардан шахидлар тайёрланмоқда. Улар мина далаларига қўйиб юборилмоқда. Ҳарбий раҳбарлар фикрича, биринчидан, улар енгил ва тез югуради. Иккинчидан, улар ўлимдан қўрқмайди ва нима учун қурбон бўлаётганини ҳам идрок эта олмайдди. Учинчидан, бомбага учиб нобуд бўлган болалар улар учун катта йўқотиш ҳисобланмайдди.

Лазиз РАҲМАТОВ

► БУ ТУРФА ОЛАМ

ТАРЖИМОНГА ҲОЖАТ ҚОЛМАЙДИ

Япониянинг "Панасоник" корпорацияси шу йилнинг охирига қадар япон тилидан инглиз, хитой ва корейс тилларига автоматик тарзда таржима қил-диган мегафонни тақдим этиш ниятида. Бу ҳақда Япо-ниянинг "Киодо" агентлиги хабар бермоқда.



Корпорация мутахассисларининг таъкидлашича, мазкур ускунадан омма кўп тўпланадиган жойларда — шаҳар кўчаларида, метро ва бошқа транспорт воситалари бекатларида, турли тадбирларда фойдаланиш мумкин. Мегафон хотирасига "эҳтиёт бўлинг", "поезд ҳали жўнагани йўқ" сингари 300 дан зиёд иборалар жойлаштирилди. Шунингдек, фойдаланувчилар унга қўшимча ибораларни қўшсалар ҳам бўлади.

Мутахассислар эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда, мегафоннинг луғат бойлигини янада оширишлари мумкин, хусусан, келгусида унинг рус тилида ҳам "тапира" олишига эришишмоқчи.

ГУРУЧНИНГ АСЛ ВАТАНИ ҚАЕР?

Шу пайтгача гуруч илк бор Хитойда етиштирилган, деган қарашлар бўларди. Яқинда британиялик археологлар бу фарз унчалик ҳам тўғри эмаслигини исботловчи далилларни топши-ди. Буюк Британия-нинг Оксфорд универ-ситетининг Женифер Бейтс бошчилигидаги талқиқотчи-лар гуручи Ҳиндистоннинг қадимий Рақхигари шаҳри харобаларида олиб борган изланишлари натижасида гуруч бундан 4,5 минг аввал айнан ушбу дийрда хонақилиштирилган, деган хулосага келишди. Бу қадимги Ҳиндистон-ликлар хитойликлар билан камида тепа-тег равишида ёки улардан ҳам илгарироқ ушбу махсулотни етиштириш-ган, деганидир.



— Рақхигари шундай шаҳар бўлганки, унинг иқлим шароити одамларга қиш-ёз инсончилик билан шуғулланиш имконини берган, — дейди Ж.Бейтс. — У Ҳинд дарёсининг бўйида жойлашган обод маскан бўлган. Мавжуд шароит ва одамларнинг меҳнатсеварлиги эвазига Ҳиндистонда деҳқончилик маданияти кўп минг йиллар олдин шаклланди.

Радиоуглерод таҳлил натижаларида олимлар эрамиздан аввалги 2700 — 2600 йилларда Ҳиндистонда нафақат шол, балки бўғдой, арпа, нўхат ва тарих каби дон маҳсулотлари ҳам етиштирилганини аниқлашди.

ҚАДИМИЙ МАЙЯЛАР ШАҲРИДА ПИРАМИДА ТОПИЛДИ

Мексика ва америкалик археологлар майяларнинг қадимги шаҳри Чичен-Ицадаги Кукулкан ибодат-хонаси ичидан пирамида топшиган. Мазкур иншоотнинг баландлиги 10 метрни ташкил этади. Пирамида эрамизнинг 500 — 800 йилларига тегишли бўлиб, унинг юқори қисмида меҳроб ва унга олиб борувчи зинапол мавжуд. Сан-Диегодаги Калифорния универститети профессори, антрополог Жоффри Брасвелланинг фикрича, Кукулкан ибодатхонаси бир неча кичик пирамидалар йиғиндисидан иборат.



Бундан аввалроқ олимлар Кукулкан ибодатхонасида иккинчи алоҳида пирамида борлигини аниқлашди. Эндиликда улардан учинчиси ва энг кичкинаси очилди. Ибодатхонанинг иккинчи пирамидаси 1940 йилда археологлар томонидан аниқланган эди. 2015 йили эса Кукулкан пирамидасининг остида ер ости қўли борлигини аниқлашган.

Кукулкан пирамидаси (шамол, сув, олов ва ҳаво худудлари шарафига) майялар томонидан IX-XII асрларда қурилган. Турли маросимлар (одамларни қурбон қилиш) ўтказиш ва календар санасининг тўғрилигини билиш учун қурилган.

Чичен-Ица шаҳридаги пирамида VI асрларда гавжум қароргоҳ бўлган бўлса, XII асрларга келиб бутунлай ҳувилаб қолган. 1988 йили қадимий шаҳар ЮНЕСКО-нинг бутунжаҳон мероси иншоотлари рўйхатига кири-тилган. Айни дамда бу ерга йилга бир миллиондан ортиқ туристлар ташриф буюришади.

ПИВО ИСТЕЪМОЛИ ХАВФ ТУҒДИРАДИ

Австралиянинг Викториа штати университетининг олимлари аниқлашчи-ча, бир кунда ярим литр пиво ичиш простата саратони ривожланишини 23 фоизга оширади. Бу ҳақда Daily Mail намуна хабар берди.



Доктор Тим Стоквелл ҳамкасблари билан бирга ушбу мавзудаги олднинг ишларни атрофлича ўрганган ва улар учун умумий бўлган хатони аниқлади. Уларнинг талқиқотидан аниқланишича, бир кружка пиво ёки икки бокал вино ичиш саратон ривожланиш хавфини оши-ради. Ваҳоланки, ҳафта давомида ҳатто 0,3 литр пиво ичиш ҳам касалликнинг юзага келишига сабаб бўла-ди.

"Алкоголь саратонининг бир неча турларига, хусусан ичак ва қўрқак саратонига дахлдор, аммо бу талқиқотда алкогольнинг простата саратони билан ҳам алоқадорлиги аниқланган" — деди доктор Жасмин Жаст. Шу сабабли талқиқотчилар ўзини меъёрда ичув-чи деб ҳисоблайдиган кишиларни ҳам бу хавфдан огоҳ-лантиришмоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, охириги ўн йил-ликда инвестиция ва инновацияларнинг бутун эъти-бори саратонга қарши яратилаётган янги дорига қаратилган. Аммо улар ҳам беморлар ҳаётини сақлаб қоламаяпти. Миллионлаб сарфланаётган пуллар улар ҳаётини бир неча ҳафта ёки ойга қўзаяпти холос.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

УРУШЛАР, ҚОЧОҚЛАР ВА "АСКАР БОЛАЛАР"



дан мосуво бундай болалар одам савдоси билан шуғулланувчи гуруҳларнинг енгил ўлжасига айлан-дир қўлиштири.

Айрим ҳукуматлар уларни рағбатлантириш бора-сида муайян ишлар қил-моқда. Масалан, Германия ҳукумати қочоқлар лагер-ларида аёллар ва болалар-га нисбатан жинсий зура-вонликларга қарши кураш учун 200 миллион доллар ажратди.

"Бугун XX асрдаги каби глобал бошқарув тизими мавжуд эмас. Муносабат-лар жадвали ноаниқ. Биз на кўп қўтли ва на бир қўтли дунёда яшаймиз, бошбошдоқликлар тобора авж олмақда. Олдиндан башорат қилиб бўлмайди-ган вазият тобора қули-роқ роль ўйнамоқда", — дейди БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий ком-иссари А. Гутерреш ва-зирати яққол тасвирлар экан.

Қочоқларнинг ярми болалардан иборат. Ёш-ларнинг энг муҳим давр-

БМТ Бош қотибининг махсус маслаҳатчиси Карен Абузайд хонимнинг таъкидлашича, БМТга аёзо 193 давлат 2018 йилда бў-борада Глобал битимни имзолашга келишиб олди. Унда қочоқлар ва муҳож-ирлар тақдирига тенг масу-ддорлик тамойиллари ифода этилган.

Дунё бўйлаб болалар-нинг урушларда қатнаши-ши тобора кўпаймоқда ва 250 минг бола ҳукумат куч-лари ҳамда қатор исёнчи гуруҳлар таркибидa кураш олиб бормоқда. Улар ўрта-ча 10–12 ёшда. "Аскар бо-лалар"нинг 40 фоизи қиз-лар. БМТнинг Болалар ва ўс-мирлар бўйича конвен-циясига 2002 йили улардан аскар сифатида фойдала-нишни тақиқловчи қў-шимча протокол имзолан-ди ва уни 153 мамлакат ра-тификция қилди.

БМТ Бош қотибининг 1-ўринбосари Ян Элиас-соннинг маълум қилиши-ча, жаҳон аҳолисининг 46 фоизи 25 ёшгача бўлган фуқаролардир. Яқин Шарқ

Намибия — серқуёш ўлка



лари истиқомат қилади. Шун-дан Овамбо энг кўп тарқал-ган этник гуруҳ бўлиб, жами аҳолининг ярмидан кўлини ташкил қилади.

Намибияликларнинг кўпи Бангу тилида гаплашади. Ле-кин давлатнинг расмий тили инглиз тилидир. Бу дийр кўплаб лаҳжалару шеваларга бой. Давлатнинг расмий пул бирлиги 1993 йилда қабул қилинган Намибия долларидир.

Олмос ва бошқа минерал-лар мамлакатнинг энг муҳим экспорт манбаи ҳисобланади. Ундан кейинги ўринда эса консерваланган ва консерва-ланмаган балиқ ва озиқ-ов-қат маҳсулотлари Жанубий Африка, Испания ва Буюк Британия каби давлатларга экспорт қилинади.

Намибияда иккита йирик сахро бор. Шулардан бири Намибдир. У 80 миллион йил олдин пайдо бўлган дунёдаги энг биринчи чўллар, деган қарашлар бор. Арнеҳем гори эса мамлакат-даги энг узун ғор ҳисобла-нади.

Бу дийрнинг 14 фоиз ҳудуди химоя остига олин-ган. Чунки бу ерда йўқолиш хавфи остида бўлган ноёб ҳайвон, ўсимликлар тури мавжуд. Мамлакатда кўплаб қўриқхоналар ташкил этил-ган. Шулардан бири Этоша Миллий қўриқхонасидир. Бу ерни энг узун филлар, йўқо-либ кетиш хавфи остида тур-ган сўтэмизувчиларнинг 91 тури макон тутган. Ҳеч қан-дай тутқунсиз, яъни эркин юр-увчи гепардларнинг энг катта тўдаси айнан мана шу ҳудудда яшайди. Намбия ис-сиқ ўлкалардан ҳисоблана-ди. Йилга 365 кун бўлса, шунинг 300 кундан ортиги қуёшли бўлади.

Инглиз тилидан Мафтун ХУДОЙБЕРГАНОВА таржимаси

► ЖУГРОФИЙ САЁҲАТ

Ер юзида қанчадан-қанча давлатлар ва уларнинг ўзига хос урф-одатлари бор. Бошқа мамлакатларнинг табиати, иклими, аҳолисининг ҳаёт тарзи, анъаналари ҳақида маълумот беришни мақсад қилган жуғрофий саёҳатимизни Намибияда давом эттирамиз.

Намибия Республикаси Африканинг жануби-ғарбий қисмида жойлашган. Майло-ни 825,4 минг километр квадрат. Мамурий жиҳатдан 13 вилоятга бўлинади. Пой-тахти Виндхук шаҳри. Мам-лакат номи Намиб саҳроси номидан олинган. Намиб сўзи "очиқ замин" деган маъ-нони англатади.

Намибия бизнинг юр-тимиз, бизнинг она макони-миз, биз уни севаемиз". Мазкур сўзлардан нами-бияликлар ўз юртларини на-қадар эъозлашларини билиб оламиз. Миллий байроғида-ги ранглар бу дийрнинг ху-сусиятларини ўзида акс эт-тиради. Масалан, ундаги сарқ ранг мамлакатнинг сер-қуёшлиги ва саҳраларнинг кўлчилиги, кўк ранг океан ва ёмғирни, яшил ранг ўсимлик ва ҳосилни, оқ ранг эса тинчликни ифодалайди.

Намибия атроф-муҳит химоясини давлат консти-туцияси, қонунарида муста-қамлаб қўйган давлатдир. Аҳолиси икки миллион уч юз мингдан зиёд. Унинг кўпчилиги мамлакат маркази ва шимолида яшайди. Аҳоли сони нисбатан кам бўлса-да, бу заминда ўн учдан ортиқ турли миллат ва элат вакил-

роти): Намибия бизнинг юр-тимиз, бизнинг она макони-миз, биз уни севаемиз". Мазкур сўзлардан нами-бияликлар ўз юртларини на-қадар эъозлашларини билиб оламиз. Миллий байроғида-ги ранглар бу дийрнинг ху-сусиятларини ўзида акс эт-тиради. Масалан, ундаги сарқ ранг мамлакатнинг сер-қуёшлиги ва саҳраларнинг кўлчилиги, кўк ранг океан ва ёмғирни, яшил ранг ўсимлик ва ҳосилни, оқ ранг эса тинчликни ифодалайди.

Танловда адашмайлик

(Ёхуд ёшларимизнинг орзулари саробларга айланмасин)

МУШОХАДА

Мамлакатимизда мактаб, коллеж ва олий ўқув юртиларида илм-фан, маданият ва санъат соҳасида ҳар йили кўплаб танловлар ўтказиб келинади. Бу албатта, ёшларимизнинг ўз иқтидорларини намойён этишларида муҳим ўрин тутаётганидан қувонамиз. Ўз-ўзидан маълумки, бундай кўрик-танловлардан асосий мақсад, уларнинг орзу ўйларини рўйбга чиқишига мадад бўлиш билан бирга, дилларнинг туб-тубида ётган гўзал туйғулар учкунини аланга олишига хизмат қилади. Одатда ҳар гал кўрик-танлов якунида ғолибларнинг ўзларидан ҳам кўра, уларнинг яқинларию устозлари қувончларининг чеки бўлмайди.



Афсуски, айнан ана шундай пайтларда ҳосил бўладиган муҳит ва вазият, меъёридан ортқ мақтовлар, ноҳилисона ва носамимий ёндашувлар айрим ғолибларни кўпинча машхурлик касалига гирифтор қилиб қўйиб, баъзи ҳолларда эса уларни ўзлари севган соҳаларидан совиб кетишига сабабчи бўлишлари ҳам мумкин. Оқибатда эса улардаги ижод ва изланиш сари бўладиган йўл турфа сўқмоқлардан холи, силлиққина бўлиб, уларни чиниққан маҳрум қилади. Бу ҳол бўлажак ижодкор учун чинакам фожиа десак хато қилмаймиз. Баъзида йилгит-қизлар ойнаи жаҳон орқали чиққанларида ижод, асар деган сўзлар оғзининг бир чеккасида чиқиб кетаётганини эшитиб, ҳайрон қоласан, киши.

Бундан кўп йиллар олдин ўрта мактабда ўқиб юрган Нормурод исмли ўқувчи болаларча чизган расмлари билан бир хорижий мамлакатда ташкил қилинган кўргазмага қатнашиб, биринчи ўринга сазовор бўлганини биламан. У ўрта мактабни тугатиб, рассомлик билим юртига, сўнг институтга кириб ўқиди, дипломни олган эса ўзини талбиркорликка урди. Хўш, нима учун шундай бўлди, деб ўйлайсиз? Бизнингча, ёш истеъдод ҳали ўз йўлини аниқ-тиниқ танламастан соҳага кирди. Кейинчалик эса адашганини биллиб, бошқа йўлни тутишга мажбур бўлди. Қисқасини айтганда, иқтидор ҳам баимсоли дарахтдаги мевага ўхшаб, ғўралигида узсангиз, мазаси бўлмас экан.

Шу мавзуда яна бир воқеа: бундан роппа-роса тўрт ярим йил муқаддам вилотдан Нигора исмли қиз рассомлик соҳасига ўқишга кириш учун маслаҳат сўраб отаси билан биргаликда олимпиада келди. У ўзи чизган расмлардан ташқари (асосан либослар эскизи) аввал ўрта мактабда, сўнг туман ва вилот танловларида ғолиб бўлганлиги ҳақидаги дипломларини ҳам ўзи билан олиб келган экан. Қизнинг ишларини кўздан кечириб, унинг институтга киришига тайёр эмаслигини айтганимда, отаси билан иккаласининг қиёфасини ўзгартириш билан биргаликда, аввало адашмади. Энг муҳими, танлаган йўлингиздан дарди, иккинчи йил ҳам киролмади, охири ҳафсаласи пир бўлган шеклиди, учинчи йили ва ҳатто тўртинчи йили бошқа институтга

топшириб ҳам кира олмади. Қўрилиб турибдики, юраги орзуларга лиммо-лим бир инсон бошқалар хатоси туфайли умрининг тўрт йилни ҳавога совурди. Демак, у ғолиб деб топилган танлов, унинг фойдасига эмас, аксинча, зарарига хизмат қилган... Бу нақанги воқеалар бир марта ва битта жойда бўлаётгани йўқ.

Бунга вилотларда санъат йўналишлари бўйича малакали мутахассисларнинг етишмаслигини сабаб деб биладиган бўлсак, унда пойтахтдагиларни қандай тушуниш керак? Хуллас, сабабларидан қатъи назар, бунинг оқибатида қанчадан-қанча ёшларнинг орзу ва интилишлари армонга айланиб қоляпти. Қолаверса, бундай воқеалардан кейин ҳафсаласи пир бўлган ёшларимизнинг ҳақиқат, тўғрилиқ тушунчаларига муносабатлари қандай бўлади? Бундай ҳолларда улар асосатда қолишиб, ўзларини ўнглаб олгунга қадар анчагина вақтни бой беришлари аниқ.

Турли фанлар бўйича ёшларни институтларга тайёрлаш учун фаолият олиб бораётган тўғрақлару ўқув марказларининг сони йилдан-йилга кўпайиб бораётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бундай ўқув марказлари гарчи кўнгилдагидек фаолият олиб бораётган бўлса-да, уларнинг ишлари самарасини ҳам назорат қилиш лозим, деб ўйлайман. Шולי курмасиз бўлмас деганларидек, бу бордада эплаган ҳам, эп-лолмайдигани ҳам ёшларга устозлик қилиб мўмайгина даромад қилаётгани бор гап. Ҳолбуки, доноларимиз, чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин, деб бекорга айтишмаган. Ёшларга устозлик қилиш учун, инсондан ўз соҳаси бўйича маҳоратдан ташқари, сабуру бардош, бағрикенглик, катта ҳафса талаб қилинади. Аниқ мақсад сари интилаётган йилгит ва қиз учун талабчан ва меҳрибон инсонга шоғирд тушиш бахту омад. Устозликнинг ўзи алоҳида бир масъулият бўлиб, ўзига яраша сиру асорлари ва нозик томонлари мавжуд. Шунинг учун ҳам устозлик ҳаммининг ҳам қўлидан келавермайди.

Ёшларга қарата яна битта мулоҳазамни айтиб ўтмоқчиман. Хурматли ёшлар, бирон-бир соҳани танлаётганда, аввало адашмади. Энг муҳими, танлаган йўлингиздан дарди, иккинчи йил ҳам киролмади, охири ҳафсаласи пир бўлган шеклиди, учинчи йили ва ҳатто тўртинчи йили бошқа институтга

Хулоса шуки, танлов ташкилотчи ва мутасаддилари ҳам чинакам истеъдод билан оддий ҳавасмандликни зийрак кўз билан фарқлай олсинлар. Ана шунда ҳеч қандай кўнгилхираллик юз бермайди.

Бобониёз ҚУРБОНОВ,
рассом

ХАР НЕ ДЕСАНГ...

Истиқлол халқимизга илгари хаёлга ҳам келмаган кўплаб имкониятларни инъом этди. Бугун биз кўплаб соҳалар, хусусан, спорт орқали мамлакатимиз обрў-эътибори, шаъни ва шон-шўхратини чет элларда намойён этиш бахтига эга бўлиб турибмиз. Агар мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллик даврига эътибор қаратсак, бу йўналишда қанчадан қанча зафарли марраларни забт этиб, қатор хорижий давлатларнинг гайрати ва ҳавасини уйғотганимизни кўраемиз. Бундай улкан ютуқларга эришишда одамларимизнинг, айниқса, ёшларимизнинг буюк келажак сари интилишлари, уларнинг қалбида жўш ўриб турган ватанпарварлик, фидойилик, мардлик ва жасорат туйғулари энг асосий омиллардан бўлди, десак, асло хато бўлмайди.

Хабарингиз бор, ўтган ҳафта юртимиздаги миллионлаб футбол мухлислари 2018 йили Россияда бўлиб ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемионатига саралаш ўйинларининг навбатдаги босқичини катта қизиқиш ва орзу-умидлар билан кузатди. Мазкур босқичда Осиев китъасининг "А" гуруҳидан жой олган Ўзбекистон миллий терма жамоаси шу йилнинг 15 ноябр кўни минтақада ҳар томонлама кучли бўлган, ҳар қандай рақибни боши берк кўчга киритиб қўйишга қодир бўлган ғоят жиддий рақиб — Жанубий Корея терма жамоасига қарши баҳс олиб бориб, мағлубиятга учради. Яширишга не ҳолат, ушбу учрашув олдин жуда кўплаб мухлислар, ҳатто мутахассислар ҳам терма жамоамизнинг салкам 100 фоиз ўйинчилари Европанинг номдор клубларида тўп сурадиган бундай салобатли жамоа устидан иродали галаба қозонишига астойдил ишонган эди. Аммо вақт олий ҳакам деганларидек, аслида ким зўр эканлигини учрашув тугагандан сўнг биллиб олди.

Шу ўринда бир гапни айтмоқчиман, каминга баъзи билагон ҳамкасбларимиз каби "Ўйин ана шундай бўлганда, мана бундай бўларди, "фалончьев" эмас, "пистончиев" тушганда, рақибнинг тоза шўри куриди" қабилидаги жумла-лардан ўзимни тияман. Зеро, бу бордада Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг "Sport" телеканалдаги ёки футболга ихтисослашган бир қанча оммабоп нашрлардаги профессионал ҳамкасбларимиздан ўтказиб бир нарса дейиш анча мушкул эканлигини очик тан олшим лозим. Гап шундаки, ўша ўйиндан сўнг бир неча йиллардан буён миллий терма жамоамизга зўр бериб мухлислик қилиб келаётган бир томошабин сифатида мени бошқа ҳолат қаттиқ ташвишга солди.

Халқаро ўйинларни кузат-гай, кўпчилик қатори интернет сайтлари орқали учрашувдан кейин ўтадиган матбуот анжуманида билдирилган фикрлар билан қизиқаман. Сеулда бўлиб ўтган учрашувдан кейин ҳам миллионлар ўйини ҳақидаги мулоҳазаларни ёритадиган сайтлардан бир нечасига кириб, улар билан танишдим. Минг афсуски, ана шунда айрим одамларимизда, хусусан, ёшларимизда терма жамоамиз-

ОСОН ЭМАС БУ МАЙДОН ИЧРА ТЎП СУРМОҚ



ни қийин вазиятда қўлаб-қуватлаш, уларнинг кўнглини кўтариш, дейлик, ҳисобини бой берганда далда бериш, келгусида омад тилаш, холис баҳолаш каби энг муҳим инсоний фазилатлардан анча узоқ эканлигини кўриб, очиги, ачиндим.

Хусусан, футболни ёритиш борасида фаол сайтлардан бири "Stadion.uz"нинг "Фикрлар" блогига айрим мухлисларнинг ҳар хил дўқ-дашномлар, сўчишлар, ҳақоратлашлар, тош отишлар меъёридан ошиб тушган гап-сўзлари пайдо бўлди. Тўғриси, ўша кўни бу блогда ҳам қилиб бўлмайди-кан даражада шундай бир аёвсиз "оқим" пайдо бўлдики, уларнинг ҳар бирини айнан келтириб ўтишнинг иложи йўқ. Бири Ўзбекистон футбол федерациясининг шаънини "кўкка кўтарса", бири терма жамоа бош мураббийини "илқ сўзлар" билан аёвсиз "сийлайди", бошқа бири базизи футболчиларни яроқсиз матоҳга чиқарса, яна бири эса жамоада ватанпарварлик руҳи мулоқазаларни ёритадиган сайтлардан билан нечтасига кириб, улар билан танишдим. Минг афсуски, ана шунда айрим одамларимизда, хусусан, ёшларимизда терма жамоамиз-

даб юборишни таклиф қилади. Энди ўйлаб кўрайлик: бордию, қош қўяман деб кўз чиқармоқчи бўлган ана шу мухлисларнинг гап-сўзларини хориж оммавий ахборот воситалари ўз тилларига таржима қилиб, чет эл телевидениеси ёки матбуотида эълон қилса нима бўлади? Яхши бўлади-ми? Бу — биринчи масала. Иккинчи масала шуки, биз ЖЧ-2018 саралаш баҳсларининг бор-йўғи биринчи даврасини ақунладиқ, холос. Олдинда эса яна 5 та ўйин бор. Шундай экан, тўйдан аввал ноғора чалиш кимга керак бўлиб қолди ва миллий терма жамоамиз қарда, қандай жамоага, қандай ҳисобда ютқазганини ҳам ҳисобга олиш керакми-йўқми?

Бу ўринда хитойликларнинг собиқ бош мураббийи ЖЧ-2018 га старт берилмасдан аввал билдирган фикрни эсланг. У ўз жамоасига жиддий рақиб сифатида фақатгина Эрон ва Жанубий Кореяни кўрсатган эди. Ҳолбуки, жаҳонга машхур энг етакчи футболчиларини мамлакат чемпионатларига жалб этишда Европага сабоқ бераётган Хитой айни вақтда "А" гуруҳида аутсайдерга айланган. Энг ёмони, собиқ

бош мураббийнинг ўйламай айтган юқоридаги бир оғиз гапидан интернет орқали бутун дунё хабардор бўлди. Футболни тушунганлар сал ўтмай унинг бу юзак қароридан қулди.

Мақолани ёзаётиб, яна бир бор "Stadion.uz" сайтига кирдим. Афсус, ундаги "Фикрлар" блогига 16 ноябр кўни отилган маломат тошларидан асар ҳам қолмаган экан. Аттаниб, қизиққонлигим тутиб, уларнинг эътиборига ушбу мулоҳазаларини қолдирмоқчи эдим: халқимизда ҳаёт синовларига дош беролмай йиқилгани суяш, унла қўмак бериш, оғир кунлардан эсон-омон ўтиб олиши учун ёрдам қўлини чўзиш энг бебаҳо қадриятлардан ҳисобланган. Биз ана шундай улғу ва бағрикенг халқнинг одамларимиз. Ватан шаъни, шон-шўхрати ва обрў-эътиборини янада юксакларга кўтариш учун ҳарқат қилаётган миллий терма жамоамиздаги мана шу ўғлонларга ишонайлик. Уларни ҳар қандай вазиятда ҳам қўлаб-қувватлаб, зафарли марралар сари даъват этайлик. Бу қўлимиздан келадими, ахир!

Тоҳир ШОМУРОДОВ

ТЎЙДАН МАҚСАД НОМ ҚОЗОНИШМИ?

АКС-САДО

"Хуррият" газетасининг ҳар сонини кузатиб бораман. Мулоҳазали, таҳлилий мақолалар доим диққатимни тортади. А.Азимовнинг тўйлар ҳақидаги мақоласини ўқиб, мен ҳам мулоҳазаларимни билдиришни лозим топдим.

Кейинги йилларда тўйлар ҳақидаган янгича одатлар ҳисобига бачканадашиб, миллийликдан узоқлашиб борапти. Бир танишим кўюниб гапириб қолди: "Опам яқинда тўй бошлаб қўйганди. Қувониб ўрнига ўша кундан бери боши оғриди. Икки кизини узатган вақтлар ортқча рағволар йўқ эди. Учунчи кизининг тўйини қилай деса, янгидан-янги "удум"лар қўшилиб, ортқча харажатта сабаб бўляпти. Келин бўлмишнинг айтишича, унга амал қилмасликнинг иложи йўқ эмши, қўпдан кам бўлишни истамасмиш. Ўзи борадиган ўйни мебеллар билан тўлдириб, рах-рах кўрпа-ёстиқ қилиш, тўйдан олдин қўвга атаб бир нечталаб сарпо-суруқ, партомомерия, тоғоралаб пишириғу, қанд-қурс жўнатиш оддий ҳамшира бўлиб ишлайдиган, болаларини отасиз ўстирган опамга оғирлик қилади-да. Қудалар билан келишайлик, ихчамроқ қилайлик деса, жининг кўнама-япти. Йилнинг олдида ноқудай бўлади, дейди...". Қизик, отани кизини оқ ювиб, оқ тараб, камола етат, юрагини, ўйини ҳувиллатиб, омонатдай уни ўзга-га топшириши, бағридан "учирма" қилишининг ўзи етарли эмасми? Худди шунга ўхшаган удум-



лар илгари асосан Тошкентдаги худудларда ўтказиладиган тўйларда бўларди. Тўйларни ихчамлаштириш ҳақида қанчалаб чиқишлар қилинди, тарғибот талбирлари ўтказилиб, масалага оид мулоҳазалар билдирилди. Аввалига озгина ўзгариш сезилгандек туюлди, айни кез ўша харажат, мебель, тоғора, охирида ҳар қандай тоғоралдан "ошиб-тошиб кетадиган" гап-сўзлар яна такрорланяпти. Ёмон томони, бу исрофгарчиликни келтириб чиқараётган одатлар эндиликда аксарият худуд, чекка маҳаллаларга таъсирини ўтказяпти.

Кексаларга қулоқ солсангиз, авваллари келинларнинг турмуш ўртоғига итоатли, ҳар қандай вазиятда суянчиқ бўлиши, ҳозир эса уларнинг ҳаёт ташвишларига сабрсиз, чилмасиз, бу ҳам етмагандай, шартаки бўлиб бораётганини таъкидлайдилар. Балки бунга ҳозирги баъзи кўвб, қайнона-қайноталарнинг келин томондан келадиган мебеллардан тортиб, совға-салом, йўқловларни ҳеч бир оғринмай, андишасизларча қабул қилаётгани, очик айтганда, тамағирлиги ҳам келинда ёмон одатларнинг пайдо бўлишига имкон яратаётганлиги?! Ҳар битта қиз турмушга чиқар экан, елкадоши бир сўзи, орияти баланд бўлиши хохляйди.

Азал-азалдан турли синовдан ўтиб келаётган бир ҳақиқат мав-

жуд: ҳар ким топиш-тутишига яраша ҳаёт кечиради. Аммо бу чўнтаги кўтармайдиганлар манракани камсўқум тарзда ўтказсин, пулдор эса давлатини истаганча сочалоқ қилверсин, деган маънони англамайди. Ахир, ҳамяят қонунлари ҳамма учун бир хил аҳамиятга эга. Тўйларни ихчамлаштиришнинг пули озга қандай нафи бўлса, пулдор ҳам бундан манфаат кўради. Тўйдан кейин ортқча гап-сўзлар камайд, ёшлар тайёрига бақовул бўлиб қолмай, ўзлари меҳнат қилиб бойлик ертириша, қийинчиликларни энгиб ўтишга ўрганишади. Ҳақиларда ҳам исрофнинг, зураки ҳашаматнинг гуноҳлиги айтиб ўтилган-ку.

Бир онахон айтиб қолди: "Кейинги вақтларда баъзи жойларда чимилдикга ўтказиладиган уятсиз маросимларга дуч келяпти. Афсуски, ўша тўй эгалари буни беҳаёлик эмас, шов-шувли ҳолат, деб тасаввур қилишса керак. Камига ўшандай ҳолатларни қарсаб билан олқишлаб, видеотасмага муҳрлашяпти. Навоий бобомиз келин-куёвлар ҳақида ёзганларига, гўшангагача ёзиб, "Қолганга қаламим ожизлик қилур", деб таъкидлаган эканлар. Биз эса беҳаёликни тасмага муҳрлаб, элга намойиш қилаямиз. Бу — ўзлимизни унутиб, беҳаёлик эмасми?!"

Никоҳ тўйи бу — икки ёшнинг бахт маросими, жамяятда янги оила қурилганидан даррақидир. Шу оиланинг пойдеворини мустаҳкам, бахти тўксиз бўлишини истасак, дабдаба билан эл оғзига тушишни эмас, ёшларнинг келажаги ҳақида ўйлайлик. Тўйларда ҳеч қачон эскирмайдиган миллий анъаналаримиз, урф-одатларимизни намойён қилайлик, ёш оилагара ибрат бўлайлик. Токи, улар эртага видео тасмасида муҳрланган "бахт оқшош"ларини кўриб, хижолатда қолишмасин, фарзандалари олдида нигоҳлари ер чизмасин.

Зебо ҚҮТЛИЕВА

МЕН СИЗГА АЙТСАМ

Боғдаги мажнунтол курсидан кизиксиниб сўради: — Ҳозиргина сенда ўтирган чол нега йиғлади? — Билмадим, роса ўкиниб йиғлади ўзиям. Балки менинг сўлғин юзларимни кўриб ачингандир, — деди курси. — Юзингга нима қилибди, бинойидай-ку? — деб бошини эгиб курсига тикилди мажнунтол.

ОДАМЛАРГА МАКТУБ

— Қўйсанг-чи, устимдан қулясанми, дейман. Илк марта бу ерга ўрнатилганимда юзимдан нур ёғиларди. Елкаларим тик сарвқомат, ёноқларим қил-қизил эди. Ҳозир-чи ҳозир кўрган одамнинг кўнгли бузилади. Еноқларимга чизиб елкаларимни тилиб ташлашган. Ўзинг қара галериянинг ўзиман. Масхарабоздан фарқим йўқ, — дея хафақол га қаради курси ва сўзида давом этди: — Айтганча, чолни сўраганинг-а. Ўзи галати экан у. Шошиб келиб юзимга ёзиб кетилган "Раҳмон", "Муҳаммад" сўзлари устига ўтириб олди. Сўнг сўзларга кўзи тушиб қолди шекилли, чўкча ўтириб олгандек сапчиб турди ва бармоқлари билан ёзилган сўзларни силлаб узоқ кўз ёш тўқди.

— Чолни кўя тур. Айтган сўзларинг билан қалбим ярасини тилиб қўйдинг, деди мажнунтол курсининг сўзини бўлиб ва ўз дардини сўзлай кетди.

— Мен ниҳоллик пайтларимни эслай олмайман. Бугун эса қалбим яра, вужудим тилка-пора. Севишганлар келиб муҳаббатимиз абадий бўлсин дея "Б+Д=С", "Г+А=С" ҳарфларини танамга ўйиб ёзди. Вужудимга азоб бериб унинг исмини ёзганча, қалбингга ёз, шунда муҳаббатларинг абадий бўлади, дейман-у, инграиб, аммо улар қулоқ турмайди. Эҳ, танамдаги чандиқларни деб чирий бошлаганман, яқинда кулаб тушсам ҳам ажабмас. Ҳар кўни юрак ҳовучлаб ўтираман, мени олиб ташлаб ўрнимга бағридош арчани экиб қўямасмикинлар деб, сенда ўтириб соямда мазза қилиб ҳордиқ қўйаришди, жимгина кетаверса бўлмайди, одамларга ҳам ҳайронсан. Бизга азоб бериб нима фойда топади, билмайман, — деди мажнунтол ҳажд билан шоҳларини силқитганча.

— Тўғри айтасизлар, — сўзга аралашди девор. Авваллари менга чизилган нақшларга қараб одамларнинг баҳри дили очиларди, ширингина жилмайиб ўтиб кетишарди. Буни кўриб менинг ҳам вақтим чоғ эди. Энди-чи... энди эса, дея шашти пасайиб давом этди девор. — Дардимни айтмасам бўлмайди. Утган кўни мактабдан қайтаётган шумтакалар менга шундай сўзни ёзиб қўйдик, айтишга ҳам тилим бормайди. Шундан бери ўтган ҳам, қайтган ҳам мендан юзини бурлади. Биров ўчириб қўй ҳам демайди. Ҳозирги болаларга ота-онаси қандай тарбия берапти ўзи? Мактабга бориш ўрнига боғда юришди, ота-онаси ҳеч бўлмаганда, ўқитувчиси назорат қилса бўларди. Шунинг учун баъзида инсонлар тақдирдан хавотирга тушаман.

— Майсаларга мазза, улар ҳўқумат ҳимоясида, ҳар жойга: "Ўтни босманг. Бог маъмурияти" деб ёзиб қўйишди, — деди шоққалоқ Мажнунтол деворнинг сўзини бўлиб. Аммо биз шўрликнинг аҳволи билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Майдоннинг қоқ ўртасидаги бурни пачоқ ҳайкал ҳам ўша кўни шу муаммоларни айтиб роса куюнганди, — деб узоқдаги ҳайкални кўрсатди девор суҳбатни давом эттириб. Мутасаддилар қаерга қараяпти ўзи? "Қурси, девор, дархалатга ёзма" деган жумлани ўрни босманг эълони олдиға тиркаб қўйиш ҳаётки қан қан бўлса? Бизга ҳам гамхўрлик қиладиган бирон одам топилармикин... — иккиланиб оҳангида сўради курси.

Хуллас, ўша кўни боғда роса тўполон бўлди. Ҳамма дардини дoston, кўз ёшини уммон қилди. Эртасига ҳаммасини одамларга етказиш мақсидида бўлган воқеани шундайлиги битиб, сизга хат йўлладик. Мактубимизни эътиборсиз қолдирмайсиз, деган умиддамиз. Инсонларни бошида кўтарувчи курси ва бошини балолардан асровчи мажнунтол сизнинг қўмагинингизга мувож...

Санжар ЭШМУРОДОВ

Хуршид ДАВРОН
Ўзбекистон халқ шоири

Адабий ижод бутунлигича индивидуал жараён бўлса-да, гарчи яхши шеър ёки ҳикоя ёзишни ҳеч ким ўргатолмасда, кўҳна Шарқда устоз-шогирдлик анъанасига алоҳида эътибор берилган. Бу анъанада ҳар икки томоннинг ўз авазлари, масъулияти бор. Энг аввало, устоз билан шогирднинг боғлаб турадиган руҳий ва маънавий уйғунлик ривожини мавжуд бўлиши керак.

Устоз шогирдининг шеърини ёзиб бермайди. У ўз тажрибалиридан хабардор қилади, ўзи ёзган асар билан шогирдига сабоқ беради ва энг муҳими, шогирдига ҳар томонлама маънавий кўмак беради, лозим топганда, мактабда ёки хатотини айтади. Фақат мактабдан устоздан наф йўқ, Ҳалеб хатотини юзига солиш ҳам устозлик эмас.

Устоз тушунчаси, менинг назаримда, энг аввало, ибрат тушунчаси билан боғлиқ бўлса керак. Тил ва сўзга масъулият ибрати, миллат ва ватан тақдирини муҳим масалага ёндашув ибрати. Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Мунаввар Қори, Абдулҳамид Қўлпондан биз ижодкор аҳлига энг аввало ана шу Ибрат қолган.

Шу маънода, мен Эркин Воҳидов ибратидан миллатни, миллий ўзликини қадриятини, мумтоз адабиётга муҳаббатини, уни идрок этганини ўргандим ва ҳамон ўрганишман.

Эркин акани илк мартаба 1968 йилнинг кўзида, Самарқанднинг 2500 йиллиги нишонланган кунларда кўрганман. Шаҳар маданият боғининг ёнбоғида жойлашган янги кинотеатрда катта мушоира бўлган, Зулфия опа, Қайсин Қулиев, Расул Ҳамзатов, Давид Кугултинов, Евгений Евтушенко ва бошқа меҳмон шоирлар шеър ўқиган давралар орзулар кучоғида яшайдиган эрдан. Эркин ака Самарқандга бағишланган шеърини ўқиганида одамлар шоирни гулсаларга кўмиб ташлагани ҳануз кўз ўнгимда турибди.

Уша йиллар ҳаммагинг тилида “Ўзбегим” қасидаси эди. Ушим учун ажратилган хонада, нима учундир чироқни ўчириб, қасидани жуда баланд пардада, такрор-такрор ўқирдим. Ҳар гал “Ўзбегим!” дея ҳайқираман, баданим жимирлаб кетарди. Қасидадан кейин “Самарқанд” шеърини шивирлаб ўқирдим.

Мунажжим тасбеҳидан тўқилган доналардек, Осмон узра сочилиб ярқирайди юлдузлар.



Бир кун бу ишимдан хабар топган дадам “Нимани бунча бақириб ўқийсан, кейин яна нималарнидир пичирлайсан?” — деб суриштириб қолди. Мен “Ўзбегим” қасидасини” дедим. “Қани, ўқиб бер-чи”, деди дадам. Ушанда нима учун чироқни ўчириб ўқийганини аниқлашга бўлдим. Ушимни катта шоир сифатида тасаввур қилганим, айна шу тасаввурдан уялганимдан биз ижодкор аҳлига энг аввало ана шу Ибрат қолган.

Тошкентга илк келган йилим мени Эркин Воҳидовнинг “Ёшлик девони” кутуб олган эди. Тошкент университети олдидоги имтиҳонга ҳозирлик қилаётган ҳар икки ёшнинг кўлида шу китобни кўрдим. Китоб сатрлари чор атрофимда жаранглаб турарди. Энди бир-бири билан танишаётган ёш шоирлар гапни шу китобдан бошлади, “Ўзбегим”ни бири бошлаб, иккинчи, учинчи давом этарди. “Ёшлик девони” Тошкентни, Ўзбекистонни забт эта бошлаган эди.

Биз талаба бўлган ва кейинчалик, мен тенги авлод адабиётга кириб келган йилларда адабий жараён юксак тоғдан шарқираб оқаётган сойга ўшарди. Олаётган нафасимиз ҳам шеър билан, ижод билан тўйинган, янги чиққан китобгина эмас, газетда босилган ҳикоя, ҳатто биттагина шеър юз минглаб юракларни ҳаяжонга солганини кўриб, билдиб, ҳис қилиб турардик.

Мушоиралар ўзига хос ижодий мусобақа макони эди. Бу руҳ бизни тинимсиз излаштириб даъват этарди. Бирон бир

яхши шеър ёки ҳикоя назардан қолмасди. Тошкентда, қайси-қайси йўл бўлишида масъулият ёки ёзувчилар уюшмаси залида жаранглаган шеър эртагаёқ Кўқон чойхонасида, Хивадаги мактабда, Чироқчидаги шийпонда ақс садо берарди. Адабий ҳаёт дарёдай ҳайқириб оқарди.

Ҳар бир авлоднинг адабиёт, унинг жамият ҳаётидаги ўрни, ижодкор масъулияти ҳақида ўз қарашини мавжуд. Бу, энг аввало, ижодкор тарихнинг қайси ва қандай палласида яшаётгани, мамлакат ва ташқи дунёда содир бўлаётган воқеалар, ўша даврда яшаган кучли ижодкор шахсларнинг асарлари, унинг ижтимоий (гражданилик) позицияси таъсирида шаклланади.

...Эркин ака билан ёшлар нашриётида ишлаган йилларим шеърларим ўша даврнинг энг маъқели журналида босилгани бўлди. Журнал таҳририятининг адабий ходимидан “Мана бу шеърларни бир кўриб беринг” деган илтимос билан Эркин акага берилганини эшитиб, ишхонада устознинг кўзларига кўринмасликка ҳаракат қилиб юрдим.

Кунлардан бир кун Эркин ака бўлим бошлиғимиз орқали мени чақиртирди. Бордим. “Шеърларингизни ўқидим, журнал учун оқ йўл ҳам ёздим. Аммо, бундан кейин жуда қаттиқ ишлашингиз керак”, деди Эркин ака. Кейин янги чиққан китобига дастхат ёзиб, совға қилди. Унда “Укам Хуршид” томоғингиз ишлагани тилаб” деб ёзилган эди. Қачон ўша дастхатга кўзим тушса, хурсанд бўлиб кетаман... кейин ўша ишончини оқладимми, деб ўйлаб бошлайман.

1976 йили бир туркум шеърим Эркин ака оқ йўли билан “Гулистон” журналида эълон қилинди. 1979 йили нашр этилган биринчи тўпламим “Шаҳардаги олма дарахти”да ҳам Эркин аканинг оқ йўли билан босилди. Иккинчи оқ йўлни ёзиб, менга берар эканлар, устоз: “Гулистон”да босилган шеърларингизни тўпламга киритмаганингиз учун ҳам иккинчи марта ёздим” деб ҳазиллашган, кейин жиддийлик билан “Уларни киритмай тўғри қилгансиз” деган эдилар.

Бу гапнинг моҳиятини вақт ўтиб англадим. Журналдаги шеърлар билан илк китобимга кирган шеърлар орасида фақат вақт эмас, ўша анчагина хом

шеърларимда “ниманидир” илғаб, менга оқ йўл тилаган устоз ишончини оқлаш масъулияти ҳам бор эди. Китобда ёзилган оқ йўлдаги мана бу сўзлар елкамга яна-да катта масъулият юклаган эди: “Барча санъатлар каби шеърят ҳам ўзига хосликни ёқтиради. Овоз ҳам, сўз ҳам, сўз ҳам, бу-юк Навоий тили билан айтганда, “тархи тоза ва улусқа бандоза” бўлса элди эътибор топади...”

Эркин ака ҳақидаги хотираларимнинг яна бир қисми саҳафлар билан боғлиқ. Икки марта ўша ва Фарғонанинг бошқа шаҳарларида, бир марта Туркияда бирга сафарда бўлганмиз.

Биринчи марта, Шавкат Раҳмон сабаб бўлиб, ўша борган эдик. Шавкат Раҳмон бутун оиласи билан менинг машинамда, Эркин ака эса умр йўлдошлари Гулчехра опа ва қизлари билан “Волга”да, йўлга тушганмиз.

Ёз пайти, сафар арафаси Республика радио уюлда муздек газли сув ичиб, сафар кунини томоғим шилиб кетган, иситма кўтарилган, автомобиль бошқаришни энди бошлаганидан хабардор Шавкат “Жигули”ни Ушгача ҳайдаб борди. Қамчиқ довозидаги манзилларнинг бирини тўхтаганимизда, менинг аҳволимни суриштирган Эркин ака бир пас кўздан қўйиб бўлди, кейин гилосдек келадиган ёнғоқнинг икки гўрасини олиб келди. “Томоғингиз ишишган бўлса, мана буларни чайланг, ёрдам беради”, деди. Минг бир азоб билан гўраларни чайнаганимни, Гулчехра опанинг ҳайрон қолганини кўриб, Эркин ака “Бу Кибриё опанинг рецепти!” дея, завқланиб кулган эди.

Мен сафар давомида ўша, Фарғона, Наманган, Андижон ва водийнинг бошқа масканларида бўлган адабий учрашувлар ҳақида эмас, сафар тугатилган кейин Эркин аканинг инсон сифатидаги қиёфасини очган бир воқеани ҳикоя қилмоқчиман.

Ёзиб ўтганимдек, автомобиль бошқаришни энди бошлаган пайтим, ўша бироз даволанган бўлсам ҳам, дармонсизман. Тошкентга қайтадиган кунимиз бутун сафар давомида машинамни ҳайдаган Шавкат Раҳмоннинг ўша қолиши маълум бўлди.

Эркин ака билан йўлга туш-

дик. Мен Қамчиқдан қандай ўтишимни ўйлаб, хавотирдам. Довон олдидоги манзилда тўхтаган, Эркин ака ёнимга келди. “Довондан бирон марта ўтганми?” деб сўради. Мен “Йўқ”, дедим. Эркин ака индамай менга қараб турган, қизчасини чақирди. Кейин уни “Жигули”нинг орқа ўриндиғига ўтказди. Менга қараб “Қизим сиз билан кетади”, деди.

Мен баъзан ўша ҳолатни эслаб, Эркин ака нима учун кизини менинг автомобилимга ўтказганини ўйлаб, устознинг донишмандлигига тан берарман. Ўша лаҳзада ота ўз фарзанди ҳаётини менга ишончи топишган эди. Бу иши билан нотинч юрагимга фақат ишончин эмас, биронинг ҳаётига масъулият туйғусини ҳам бағишлаган эди. Мен ҳаётимнинг сўнгига қадар Устознинг бу сабоғини унутолмасам керак.

1992 йилнинг баҳорини, май ойида Туркияга бордик. Бизни илк марта ўтказилган туркча ижод қиладиган шоирларнинг биринчи халқаро анжуманига таклиф этишган эди.

Уч-тўрт кун Истанбулда турганда, Эркин аканинг ташрифини эшитган ҳижратдаги ватандошларимиз биз турган меҳмонхонага ёпирилиб келишди, десам, қол қилмайман. Йиллар давомида она юртидан жудо яшаган бу инсонлар ватани соғинганда “Ўзбегим”ни ўқиб, овуңларини, бўзлаб йиллаганларини айтидилар. Эркин акани меҳмонга чорлаганларнинг санови йўқ эди. Шолени кетидан сув ичган курмак — мен ҳам иззатдаман. Ҳар кун ҳали денгиз бўйида, ҳали боғу бўстонда, ҳали эртақлардаги чиройли меҳмонхона зиёфатхонасида тўрда ўтирарман.

Бир гал Истанбулнинг дунёга машҳур бозори —Қопали Чорсуга боришимиз билан бир гурӯҳ ватандошлар бизни ураб олишди. Улардан бири қўймасдан ўзининг тилла берилган дўконига бошлаб борди. Кейин “Илтимос, сизлар бир дақиқа шу ерда туринглар”, — деб дўконига кириб кетди. Дақиқа ўтмай, у дўкондаги сотувчи йилгиларни кўчага олиб чиқди. Кейин Эркин акага қараб: “Дўконда ҳеч ким қолмади, иккаланиб кибриб, хоҳлаган нарсангизни оласиз! Хоҳлаганча оласиз!” деб туриб олди. Эркин ака ҳайрон бўлиб менга қарайди,

Ўзбекистон қаҳрамони, халқ шоири
Эркин Воҳидовнинг 80 йиллиғи олдиган

мен Эркин акага. Дўкондор эса ҳолу жонимизга қўймай, ичкарига киришни сўрайди. “Афғонистонда, болагимдан “Ўзбегим” эшитиб улгайганман, кейин ҳам Нью-Йоркда қора ишларда машаққат чеканмандай ҳар кун шеърингизни такрорлаб- такрорлаб, катта бўлганман. Бу шеърингиз баҳоси дўконимдаги бор тилла баҳосидан баланд”, — деб ялинади кўзида ёш билан. Эркин ака йилгитни маҳкам бағрига босди. “Биз ҳали Бурсага борамиз, кейин Кўнға Мавлоно зиёратига ўтамиз, бир неча кун Анқарада тура-миш. Шунча вақт тилгани кўтариб юрсак, нотинч бўла-миш. Қайтишда яна Истанбулда бўла-миш. Ўшанда, албатта, дўконингизга келиб, гапингизни ерда қолдирмай, сиз айтган ишни қила-миш!” — деди.

Меҳмонхонага қайтар эканмиз, Эркин ака бирдан тўхтаб, менга қаради, “Хуршид, дўконга кирмай тўғри қилдик-а? Ўша йилгитнинг нияти қанчалик соф бўлмасин, кирсак яхши бўлмасди.” — деди.

Биз таклиф этилган анжуман Туркиянинг қадимий пойтахти — Бурса шаҳрида, янада аниқроқ айтсам, шаҳар яқинидаги Улуғтоғ деб аталган тоғлар бағридаги меҳмонхонада бўлиб ўтди. Илк марта ташкил этилган анжуман Узоқ Шарқдан Фарбий Оврупо сарҳадлари қадар муазам бир жуғрофий кенгликка яшаган ва асрлар буйи турли иқлимларда вужудга келган маданият тили — туркчанинг фарзандлари бўлмиш шоирларни бир ерга тўплаган эди. Янада анигини айтсам, бу талбирда жаҳоннинг 24 мамлакат ва улқасидан келган элликлан ортқ шоир, Туркия жумҳуриятининг ўзидан даъват этилган юздан зиёд шоиру адабиётшунос олим иштирок этди. Ўзбекистондан Эркин ака ва мендан ташқари яна икки таниқли шоир — Рауф Парфи билан Азим Суюн ҳам таклиф этилган эди.

Ҳар кун мушоира бўлиб ўтди. Мушоира шоирларнинг ёшига қараб ўтказилди. Биринчи кун ўтказилган мушоирада сўзсиз Эркин ака энг катта олқишни олди. Устозини олқишлаш узоқ давом этди ва унинг якунида анжуман раиси доктор Меҳмет Дўгон саҳнага чиқиб, шундай деди: — Шу онда устоз Эркин Воҳид шеърлари туфайли биз сарв бўйли севилгилардан узоқда қолиб бўзлаган ҳазрат На-

воийнинг охи билан бирга бўлдик.

Анжуманда туркий шеърят ривожини учун хизмат кўрсатган шоирларга бериладиган мукофотлар Турк дунёсининг энг машҳур ва энг буюк шоирлари номи билан аталмиш эди. Бу Юнус Эмро, Алишер Навоий ва Фузулий мукофотлари эди.

Анжуман якунида Эркин Воҳидовга Юнус Эмро мукофоти топирилди. Бу устоз шоир ижодининг олий даражадаги эътифори эди.

Истанбулга қайтган кунимиз, яна бир ҳафта қолиб, уч-тўрт кундан кейин бошланган ҳалқаро маланий талбирда иштирок этиш таклифнома-сини топиришди. Яна Эркин ака менга қаради, мен устозга. Эркин ака “Йўқ” дегандай, бош чайлади, мен ҳам “Тўғри” дегандай бош силқидим. Иккимиз ҳам ватанини соғинган эдик. Эртаси кун Тошкентга қараб учдик.

Инсоннинг қимлигини сафарда билсан, деган нақл бор. Дарҳақиқат, икки ҳафталик сафар давомида Эркин ака ёнида юриш, бир хонада туриш имконияти устознинг қанчалик бағрикенг, меҳри ва кўнглида мудом яхшилик гавҳари жил-валанган Инсон эканини инкишоф этди. Уни яқиндан билдим. Билиб, шу инсонга озгина бўлса-да ўхшашга интилиб яшадим.

Устоз Эркин Воҳидов “Ёшлик девони”гина эмас, бутун ижодий мисолида бизга, энг аввало, миллий қадриятлардан узилмай ижод қилиш лозимлигини ўқитарди. Бу билан у, ҳар қандай ижодкор асарини анъаналарни ўзида муржабасам эта олгандагина нафақа миллий адабиёт, шу билан бирга дунё адабиётининг бир қисми бўла олиш ҳақида ўғит беради. Устоз бутун ижодий фаолияти давомида умуминмиллий қадриятлар асосида ижод қилгани учун ҳам умуминсоний даражага кўтарилган ижодкор тимсолга айланди.

Ҳинд халқининг донишманд фарзанди Рабиндранатх Тахкур бир шеърда ёздади: *Эр миллатнинг қўлида*
Шу туғри бир чироқ,
Шу чироқни авайлаб
Сен дунёни рушно эт...

Эркин Воҳидов дунёдан зулматни қувган буюк шоирлар сафига ўзбек чироғини баланд кўтарган зиёкордир.

ИНСОН МАНЗАРАЛАРИ

— Бир қултум сув бўлса, томоғимни хўллаб олардим-да, болам, — деди бекат ўриндигидан жой олган онахон иссиқдан ҳансираб аранг нафас оларкан.

Ўзини сояга олган йигит бу гапни эшитиб “уф” тортиди. Юзини даструмолига қайта-қайта артиб, атрофга аланглади: жазирама офтобга чиққиси келмади. Аммо ўзининг ҳам томоғи қақраб кетганди.

— Бўпти, шу ерда қимирламай ўтириб туринг.

Уттиз ёшлар атрофидаги, баланд бўйли йигит кафтини пешанасига соябон қилганча йўлни у юзидаги озик-овқат дўконига қараб кетди. Озгина юргач, тўхтаб ортига қайтди ва қўлидаги катта тугунни камширга тутқазди. — Мана бунини ушлаб ўтиринг, мен ҳозир сув олиб келаман. — Умринданг барака топ, болам, — дея тамшанди онахон йигитнинг жеркиб гапирганига эътибор қилмай. Буларнинг барини зимдан кузатиб ўтирган Икром ака ёши олтимышларга яқинлашиб қолган, аммо юзидаги чиройи-



ни ҳали йўқотмаган, гап-сўзларидан мулоим ва беозор кўринган онахоннинг бу иссиқда қаерга кетаётганига қизиқиб қолди. Давангирдай йигитни ўғли деб тахмин қилди. Шундай фарзанд автобус кутмасдан бирор енгил машина тўхтаб бўлмасмикан?

— Мана бу чойдан ичинг, — деди Икром сумкасида ичмагина термос олиб унинг қопқоғига яхна чой қуйиб узатаркан.

Онахон нотаниш аёлнинг кутилмаган лифтотидан хижолат тортиди. — Ҳозир ўғлим сув олиб келади, — деди онахон аранг ютиниб.

— Ўғлингиз келгунча ичиб туринг. Мана, олинг. Икром онахоннинг кўзлари яхши кўрмаслигини пайқаб чойнинг деярли қўлига тутқазди.

— Овора бўлдингиз-да, сингилжон. Бу сўз

шунчалар майин, шунчалар табиий, шунчалар қалбан айтилдики, Икроманинг юраги орзиқиб кетди. У синглим деган сўзини умуман эшитмаган эди. Балки бирортдан қачондир эшитгандир, Аммо ҳозир эсида йўқ. Айна дамба жуда бошқача туюлди. Худди қаршида опаси, опақониси ўтирибди-ю, улар анчадан бери ногоҳ бекатда учрашиб қолди.

— Раҳмат, сувдай сероб бўлинг.

— Айбга буюрмайсиз, шундай жазирамада қаёққа кетяпсиз? — деди Икром термос қопқоғини онахоннинг қўлидан қайтиб оларкан.

— Сафарга, — дея жавоб қилди онахон ўғли кетган томонга кўз тикиб.

Икром онахоннинг мулзам тортиганини пайқайди. Умумий қилиб жавоб берганидан қаерга кетаётганини айтишни истамаганини ҳам англади.

— Узоққами?

— Қаердалигини ўғлим билади. Ҳа, айтгандай, ўзингиз-чи, сингилжон.

Икром болалар уйига кетаётганини айтди. Онахон у ерда ишлайсизми, деб сўради. Икром ача йиллардан бери фарзанд кўрмаганини, яқинда эса эри оғир касалликка чалиниб оламдан ўтганини, катта уйда бир ўзи қолганидан зерикиб, бола асраб олиш учун кетаётганини гапириб берди. Бундай илиқ ва ибратомуз сўзларни тинглаётган онахоннинг кўзлари негадир намланди, кейин нигоҳларини яширишга уринди.

— Дунёнинг ишларини қаранг, галатилигини.

Оғир хўрсиникдан сўнг пичирлабгина айтилган гап ақл-фаросати жойида оламни бефарқ қолдирмайди. Юраги ноҳуш ҳолатни илғай бошлаган Икром онахондан тинчлик излаб йўлга чиқиб-сиз-да, деб сўрашга жазм қилди. Онахон сергак тортиди. Борар манзилини селдириб қўйгандай, олдидоги тугунни бағрига босди.

— Булар қийимларингизми? — Ҳа. Ичди онам берганлари ҳам бор.

Икром ача энди гумонларини аниқ бўлганига тўлиқ ишонч ҳосил қилди: ўғил онасини қариялар уйига олиб кетяпти.

Бевагинг юраги гашланди. Нобакор ўғлининг сурбетларча қилган муомаласидан, асло ор қилмасдан оназорини бегона жойга олиб кетаётганидан қалбидан бирдан оғриқ пайдо бўлди.

— Жигарларингиз йўқми? — зўрга сўрай олди Икром. — Оламдан ажралганимга икки йилдан ошди. Битта укам бор. Аммо...

Онахон гапни давом эттира олмади. Дардини

достон қилишни хоҳламади. Бироқ бироздан кейин “Синглим йўқ-да” деб қўшиб қўйди.

Икром ҳаммасига тушунди. Ортиқ ўйланиб ўтирмади. Онахоннинг қўлидан тутаркан, “Қани, мен билан юринг!” деди ишонч билан. — Вой, қаёққа? — деб бу кутилмаган таклиф ва қистовдан анграйиб қолди онахон. — Мени қаёққа олиб бормоқчиси?

— Бизникига. Энди мен билан турасиз!

— Э, йўқ, қўйинг бунақа гапни. Ахир ҳозир ўғлим келиб... қидириб қолади-я.

Икроманинг кўнглидан утган “қидирадиган ўғил онасини қариялар уйига олиб бормайди” деган фикрни айтмоқчи бўлди, аммо индамади. Аёлни қўлидан етаклаб йўл четига чиқди ва йўловчи машиналарга ишора қилди.

— Мени хижолатга қўйма-сангиз-чи?

— Сираям хижолат бўлманг.

— Ахир мен сизга... ҳеч ким эмасман, сингилжон.

— Йўқ, сиз менинг опам-сиз!

— Опа?!

— Ҳа, опа! Қани, опақон, машинага чиқинг.

— Ростини айтинг, қаерга олиб борасиз?

— Уйимизга! Уйимизга борамиз, опақон!

Икром шундай деб тўхтаган машинанинг ошигини очди. Опа-сингли орқа ўриндиққа жойлашди. Кўнгли бўлган онахон ўтирилиб тобора орта қолаётган бекатга қаради. Назарига ўғли чор атрофга аланглаётгандай, излаган кишинини топилай зир югурётгандай туюлди. Бироқ бекат бўм-бўш эди.

Улуғлар сабоғи
Шафқат намунаси

Бир йили қиш фаслида адолатли Соҳибқирон (Ҳусайн Бойқаро. — Таҳририят) Марвда қишлаган, олам улугларининг пушти паноҳи бўлмиш ул Ҳазрат (Алишер Навоий. — Таҳририят) эса унинг осмон билан бўйлашган қароргоҳида хизматда бўлган чоғида бир мусича бир неча марта ул Ҳазратнинг чодирига учиб кирди ва ҳеч ким унга тегмаганидан кейин ўша ерда ин қуриб, тухум қўйди.

Сайёраар подшоҳи ҳут қишхонасидан ўзининг буюклик ва улуглик манзари томон ҳаракат қилгач, Соҳибқирон Султон салтанат пойтахти Ҳиротга қараб йўл олди. Бироқ бу пайтда ўша мусича қўйган тухумлар ҳали очилмаган эди.

Шу сабабдан ул олий ҳазратнинг табиятида мавжуд бўлган раҳмдиллик ва ундаги турма хислат бўлган юмшоққўнглилик ўша мусича жўжа очиб, болаларини катта қилмагунига қадар ушбу чодирни йиғмасдан шундай қолдиришни тақозо қилиб қолди. Шунга кўра [ул Ҳазрат] Хожа Ҳасан Бахтиёрга ушбу чодирга кўз-қулоқ бўлиб туришни, мусича болаларини учирганидан кейингина уни ўзининг хизмат ҳақи сифатида ўзи билан бирга олиб кетишни буюрдилар.

Хожа Ҳасан Бахтиёр бу буйруқни бош устига қабул қилиб, мусича болаларини катта қилиб олгунига қадар ўша жониворга кўз-қулоқ бўлиб турди ва шундан кейингина у чодирни йиғиб олди.

АДОЛАТ

ЭРКИНЛИК

БИРДАМЛИК



НАРИМОН УМАРОВГА ОВОЗ БЕРИНГ!

Ушбу реклама Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти доирасида тижорат шартномаси асосида чоп этилмоқда.

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

МОЛИЯ МУССАСАЛАРИДА

Иқтисодий тараққиётнинг муҳим босқичи бу — жамиятда ишбилармонлик муҳити ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашдир. Одамларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш мамлакатда бандликни таъминлашга катта хизмат қилиши кундай равшан. Жумладан, юртимизда ҳам бу борада ўтган йиллар мобайнида катта тажриба тўпланди. Тадбиркорлик ва фермерликни ривожлантириш бўйича давлат томонидан самарали ишлар қилинди. Тадбиркорлар ва фермерларга молиявий кўмак бериш орқали улар қўллаб-қувватланмоқда. Тадбиркорлик субъектларини кредитлаш тизимининг самарали ташкил этилгани боис мамлакат иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши йилдан-йилга ўсиб бормоқда.



Юртимиздаги йирик молия институтларидан бири "Агробанк" АТБ бу борада тадбиркор ва фермерларимизнинг ишончли ҳамкорларидан биридир. Молия муассасаси томонидан ўтган йиллар мобайнида минглаб тадбиркорларга кредитлар ажратилди. Ушбу кредитлар эса жойларнинг иқтисодий ривожланишига хизмат қилаётгани билан аҳамиятли бўлмоқда. Бинобарин, банкнинг Тошкент вилоят бўшқармаси томонидан 2016 йил бошидан 1 ноябрь ҳолатига жами 152 400 миллион сўм кредитлар ажратилган. Шундан қишлоқ хўжалигига 25 611 миллион сўм, инвестиция жалб этишга 2 225 миллион

сўм, устувор йўналиш ҳисобланган саноат корхоналарига 85 060 миллион сўм берилди. Мижозларга ажратилган имтиёзли кредит эса 12 800 миллион сўмни ташкил этди. Кичик бизнес субъектларининг лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган маблағ 13 113 миллион сўм ва жисмоний шахсларга 15 800 миллион сўмга тенг. **Акромхон Мунавваров — "Hoji-Akbar" фермер хўжалиги раҳбари:** — Юртимизда фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш натижасида салмоқли ютуқларни қўлга киритдик. Бинобарин, биз фермерларнинг айна кундаги ҳолатга келишимиз замирида ҳам банкнинг

қўллаб-қувватлаши муҳим аҳамият касб этди. Айниқса, банклар томонидан пахта ва галла етиштириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган кичик цехларни ташкил этишда кўрсатилаётган молиявий ёрдам муҳим аҳамият касб этмоқда. Сифатли гўшт ва сўт маҳсулотларини етказиб бериш мақсадида "Агробанк"нинг Оҳангарон филиалига лойиҳа билан мурожаат қилдик. Лойиҳа ўрганилишидан сўнг кредит расмийлаштирилди. Оҳангарон туманида сифатли гўшт ва сўт маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйиш учун чет элдан зотли қора моллар сотиб олиш биз-

нес-режасига асосан 260 миллион сўм миқдорда кредит маблағи ажратилди. Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз туманимиз ва қўшни туманлардаги дўкон ва бозорларга етказиб бериляпти. Мижозлар маҳсулот таннари ва сифатидан мамнун. Фермер хўжалигимиз тасарруфида банк кредити кўмағида ташкил этилган мазкур корхонада эндиликда 3 киши доимий иш билан таъминланди. "Агробанк" АТБнинг Оҳангарон филиали томонидан биз мижозларга кўрсатаётган молиявий қўмағидан ва уларнинг фаолиятидан мамнунимиз.

— Фермер хўжалигимизнинг ҳисоб varaғи 2008 йилдан буён "Агробанк" АТБ Пскент филиалида жойлаштирилган. Ўтган йиллар давомида банкнинг энг ишончли мижозларидан бирига айландик десам, ҳеч муболага эмас. Фермер хўжалигимиз фаолиятини кенгайтириш орқали маҳсулот тури ва аҳоли бандлигини таъминлашга оид ҳар қандай режамизни банк жамоаси синчковлик билан ўрганиб, ёрдам беришга интилади. Жумладан, иссиқхона на қуриш мақсадида керакли хомашё ва қурилиш материаллари сотиб олиш учун кредит сўровимиз ҳам қисқа фурсатда ўз ечимини топди. Филиал кредит комиссияси томонидан

лойиҳа атрофлича ўрганилиб, бизга 35 миллион сўм кредит маблағи ажратилди. Ҳозирги кунда иссиқхонада помидор, бодринг ва турли кўкатларни қиш фаслида ҳам етказиб бериш имкониятимиз бор. Иссиқхонада маҳсулот етиштиришга икки нафар ишчи жалб этилган. Уларнинг ойлик маошлари ўз вақтида бериляпти.



Дилором Ғозиева — "Oqshom plus" масъулияти чекланган жамияти раҳбари:

—2003 йилдан бери тадбиркорлик билан шуғулланиб келаман. Мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини янада мустақамлаш борасида барча имкониятлар яратилиб берилган. Ўн уч йилдан ортиқ вақтдан бери "Агробанк"нинг Паркент филиали мижозиман. Айни пайтда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга иختисослашган корхонамиз элга хизмат кўрсатиб келмоқда. Шлакаблок ишлаб чиқариш йўлга қўйиш мақсадида керакли ускуналар ҳамда хом ашё материаллари сотиб олиш, янги иш ўринларини ташкил этиш мақсадида банкдан 50 миллион сўм кредит олдик. Кредит маблағларининг тўғри сарфлангани боис корхона фаолияти кенгайди, учта иш ўрни яратилди. Топаятган даромадимиздан биз ҳам, ишчиларимиз ҳам хурсанд.

А.СОДИҚОВ

Реклама ўрнида

Бир ҳовуч дур

Эй одам, ҳар газабланишинг бир сакрайдир, ҳар сакрашинг эса сени дўзах томон элтади. Яна бир сакрасанг, жаҳаннамга қулайсан.

Ҳасан БАСРИЙ

Инсон ташвишлар йўқ жойга боришни истаса, марҳамат қилиб ер кўррасини бушапти қўйсин.

Бернард ШОУ

Келиш ва кетиш — ҳаёт ва хуррият. Тухтаб қолиш эса улмидир.

ҚОБУС

Бир-икки оғиз ичирин сўз ҳам одамни бахтли қиладди, шунинг қизғонини учун аблаҳ бўлиши керак.

ПЭН

Истасанг дунёда бахту саодат, айлағил қардошлар дийдорин одат.

Хусрав ДЕҲЛАВИЙ

Бенаф умрдан бевақт ўлим афзал

Иоганн ГЕТЕ

Қувватим борда фойдам билмадим, Тушунган вақтимда қучим бўлмади. Фариддин АТТОП

Утиргил очу бечора, ялғонч, Вале нокаса асло бўлма муҳтож. Саъдий ШЕРОЗИЙ